Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Қишлоқ ҲАҚИҚАТИ

1990 йил 6 июль
ЖУМА
№ 153 (4.946).

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади ◆ Баҳоси 3 тийин.

КПСС XXVIII съезди ўз ишини давом эттирмоқда. Суратларда: 1. КПСС Марказий Комитети Бош котиби М. С. Горбачёв ўзбекистонлик делегатлар билан мулоқотда. 2. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов съездда нутқ сўзламоқда. 3. Мажлислар орасидаги танаффусда (чапдан ўнгга): Г. Турғунова (Фарғона вилояти), Т. Ескельдина (Қозоғистон ССР), Р. Аҳмедов (Фарғона вилояти) ва Ж. Исмухамбетова (Қозоғистон ССР) ўзаро суҳбатлашмоқдалар.

ЎзТАГ мухбири Ф. ҚУРБОНБОЕВ олган суратлар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVIII съезди тўғрисида

АХБОРОТ

1990 йил 4 июль куни тушдан кейинги мажлис Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов раислигида ўтди. Маърузалар юзасидан бўлган мунозараларда КПСС Белгород область комитетининг биринчи котиби, халқ депутатлари вилоят Советининг раиси А. Ф. Понамарев, Киров вилояти КПСС Совет район комитетининг иккинчи котиби А. В. Шутилева, КПСС Доғистон вилоят комитетининг биринчи котиби М. Г. Алиев, Новомосковск районидаги Ленин номли наслчилик заводи—колхозининг раиси, Тула вилоятидаги «Новомосковское» деҳқончилик-саноат бирлашмасининг раиси В. А. Стародубцев, Якутия АССР КПСС Сунтар район комитетининг биринчи котиби А. А. Попов, Литва Компартияси Марказий Комитетининг (КПСС) биринчи котиби М. М. Бурокявичюс, СССР Давлат халқ таълими комитетининг раиси Г. А. Ягодин, Свердловск инженерлик—педагогика институтининг доценти, «Ёш коммунистлар» гуруҳининг мувофиқлаштирувчиси Б. П. Гуселетов, Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби А. Н. Муталибов, Мурманск вилояти «Норильский никель» концерни «Печенганикель» кон-металлургия комбинати парткомининг котиби Н. Н. Сидоркин, Литва Компартияси Марказий Комитетининг (КПСС) иккинчи котиби В. Н. Швед, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Л. И. Абалкин сўзга чиқдилар.

Кечки мажлисда съезд партия ҳужжатларининг лойиҳаларини тайёрловчи комиссияларни тузиб бўлди.

Съезд қатнашчилари 5 июль куни КПСС фаолиятининг асосий йўналишлари юзасидан секцияларда ишни давом эттиришга қарор қилдилар.

1990 йил 5 июль куни Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVIII съезди ўз ишини давом эттирди.

Съезднинг аввалги мажлисида тузилган секцияларда партияни ташкилий-сиёсий жиҳатдан янгилаш, унинг мафкуравий ишларини такомиллаштириш, Советлар, ижтимоий-сиёсий ташкилотлар ва ҳаракатлар билан ҳамжиҳатлиги масалалари юзасидан мунозаралар бўлди.

КПССнинг ҳозирги босқичдаги миллий сиёсати масалалари ғоят хавотирлик билан, вазминлик билан муҳокама қилинди.

Партиянинг қайта қуриш давридаги ижтимоий-иқтисодий ва аграр сиёсати муаммолари юзасидан ўткир мунозара бўлиб ўтди.

КПССнинг тараққийпарвар хорижий партиялар ва ҳаракатлар билан алоқаларини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлашга қаратилган халқаро фаолияти ҳар томонлама муҳокама қилинди ва чуқур таҳлил этилди.

Делегатлар ишлаб чиққан тавсиялар ва таклифлар съезднинг ялпи мажлисида муҳокама этилади.

ПАРТИЯНИНГ ЯНГИЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИДАГИ ЎРНИ

3 июль куни КПСС XXVIII съездининг кечқурунги мажлисида КПССнинг бюджети ва мулки тўғрисидаги масала юзасидан КПСС Марказий Комитетининг ишлар мудири **Н. Е. Кручина** маъруза қилди. КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий ҳисоботида, деди у, янгиланаётган партиянинг вазифалари баён қилинди, партия комитетлари фаолиятининг йўналишлари белгилаб берилди. Кўп нарса биз партияни, унинг амалий ишини ўзгартириш учун имкониятлардан қандай фойдаланишимизга, ниҳоят партия қайта қуриш белгилаган мақсадларга эришиш учун қандай моддий ресурсларга эга бўлишига боғлиқ бўлади. Партиянинг бюджети тўғрисидаги тўла бўлмаган тасаввур коммунистларнинг, умуман меҳнаткашларнинг бир қисмида бу бюджетнинг чексиз имкониятлари тўғрисидаги фикрни вужудга келтирди. Баъзан партиянинг даромадлари ва мулки ниҳоятда катта деган фикр туғдирилмоқда.

КПССнинг бюджети маҳаллий партия органларининг таклифига биноан тузилади ва КПСС Марказий Комитетида кўриб чиқилади. Келишилган кўрсаткичлар умумпартия бюджетида жамланиб, у ҳар йили Сиёсий бюрода моддама-модда тасдиқланади. Бюджетга оид барча молиявий ва бошқа масалаларни КПСС Марказий Комитетининг Секретариати оператив тарзда кўриб чиқади.

Марказий тафтиш комиссияси мунтазам текширишлар ўтказиб, бюджет ижросининг якунларини, Марказий Комитети ишлар мудирлиги қарамоғидаги бўлинмалар фаолиятини муҳокама қилади ва якунлар тўғрисида Марказий Комитет Сиёсий бюросига хабар қилади.

Маҳаллий партия ташкилотларининг бюджетлари асосан иккита манба: аъзолик бадалларидан тушумлар ҳамда партия нашриётлари фойдаларидан ажратмалар ҳисобидан шакллантирилади. Даромадлардан тушумлар область, ўлка партия комитетлари, иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг ҳисоб дафтарчаларида жамланади. Бунда даромадларнинг харажатлардан ошиб кетган қисми КПСС бюджетига ўтказилади ва ўз харажатларини ўз маблағлари билан таъминлай олмаган партия ташкилотларига дотацияга юборилади.

Шу тарзда маҳаллий партия ташкилотлари молия-моддий имкониятларининг муайян тенглигига марказлаштирилган тарзда эришилди. Партия даромадларини қайта тақсимлаш ҳисобига 1989 йилда 50 партия ташкилоти молиявий ёрдам олди, бу йил эса 68 партия ташкилотига дотация бериш режалаштирилмоқда. Дотациялар ҳажми анча катта — 30 фоиздан 80 фоизгача бўлиб, регионлар бўйича фарқ қилади.

Маърузачи бундай деб таъкидлади: КПСС ўз аппаратини сақлаш учун жойлардан даромадларнинг каттагина қисмини ундириб олиши хусусида баъзи жойларда тарқалган даъволарни рад этмоқчиман. Аҳвол мутлақо бундай эмас. Марказий Комитет, аппарат, марказий муассасаларни сақлашга, умумпартиявий тадбирларни ўтказишга, халқаро фаолиятга маҳаллий партия ташкилотларининг даромадларини жалб қилмайди. Аксинча уларнинг фаолиятини маблағ билан таъминлашга партия бюджетининг марказлаштирилган маблағларидан бу йил 100 миллион сўмдан кўпроқ сарфланди.

Кези келганда шуни айтиш керакки, КПСС Марказий Комитетининг аппарати бўйича харажатлар 22,3 миллион сўм миқдорида кўзда тутилади, бу эса бюджет харажат қисмининг 1,1 фоизини ташкил қилади.

Кейинги йилларда КПСС Марказий Комитети партия комитетларининг молиявий фаолияти масалалари юзасидан бир қанча қарорлар қабул қилди. 1988 йилдан бошлаб иттифоқдош жумҳуриятлар Компартиялари Марказий Комитетларининг, ўлка ва вилоят партия комитетларининг ҳуқуқлари анча кенгайтирилди. Улар ўз фаолиятларининг йўналишлари бўйича сарфланадиган маблағлар ҳажмини мустақил белгилайдилар ҳамда иш ҳақининг норматив фондлари доирасида партия комитетлари ва партия муассасалари штатларининг сонини белгилай оладилар, структура бўлинмаларини тузиш ва тугатиш, бошланғич партия ташкилотларида маош олиб ишлайдиган ходимлар штатларини белгилаш масалаларини ҳал этиш ҳуқуқига эгадирлар.

1989 йилда аъзолик бадалларидан тушум суммаси салкам 1,6 миллиард сўмни ташкил қилди. Партия нашриётлари бюджетга ўз фойдаларидан 1,1 миллиард сўм ажратдилар. 1989 йилда партия бюджети ҳисобидан қилинган умумий харажат 2,3 миллиард сўм бўлди.

Партия Марказий Комитети бюджет харажатларини қисқартириш йўлини изчиллик билан ўтказиб келди. Партия аппаратининг структураси такомиллаштирилди ва қисқартирилди. Барча поғоналардаги комитетларда 8,5 минг ходим бўшатилди. КПСС Марказий Комитети аппаратида 11 бўлим тугатилди ва 680 киши қисқартирилди.

Ишлар мудирлиги маҳаллий комитетлар билан биргаликда хўжалик харажатларини камайтириш соҳасида иш олиб борди. Шу вақт ичида автомобиллар парки камайтирилди, партия органлари объектларини қўриқлаш харажатлари, улар фаолиятининг хўжалик таъминоти соҳасидаги бошқа йўналишлар бўйича харажатлар қисқартирилди.

Бу белгиланганидан 46 миллион сўм кўп маблағни тежаш имконини берди. Ўтган йилги ижро якунлари бўйича маблағларни ортиқча сарфлашга йўл қўйилмади, тасдиқланган маблағларнинг умумий тежами эса 113,2 миллион сўмни ташкил қилди.

Маърузачи 1990 йилги бюджет ҳақида гапириб, бу бюджет даромаднинг анъанавий манбаларига асосланиб тузилганини ва съездимиз қабул қиладиган қарорларнинг якунларига қараб қайта кўриб чиқилишини айтди. Бу нарса аввало аъзолик бадалларини тўлаш ҳажмига, корхоналардан олинадиган солиқлар ҳақидаги янги қонуннинг кучга киритилишига, ижтимоий суғуртага ажратмаларнинг кўпайишига, моддий ресурслар улгуржи нархларининг ва транспорт тарифларининг оширилишига боғлиқдир.

1990 йилги КПСС бюджетидаги 2,1 миллиард сўмдан иборат йиллик харажатларнинг асосий қисми—1,9 миллиард сўми ёки 90 фоизи маҳаллий партия ташкилотлари фаолиятини пул билан таъминлашга, уларнинг моддий базасини ривожлантиришга сарфланади. Партия комитетлари ва партия муассасаларининг жорий харажатларига бу маблағнинг 1,6 миллиард сўмини сарфлаш режалаштирилмоқда. Ана шу харажатларнинг энг катта қисми — 1,2 миллиард сўми партия комитетлари ва партия муассасалари, техника ва хўжалик хизматлари ходимларининг (уларнинг умумий сони 217 минг кишидан иборат) иш ҳақи фондига ажратилади. Бошланғич партия ташкилотларида бюджет маблағлари ҳисобидан салкам 77 минг ходим маош олиб ишлайди.

Маҳаллий партия органлари харажатларининг катта қисми партия муассасаларининг: сиёсий маориф уйлари ва кабинетлари, марксизм-ленинизм университетлари ва уларнинг филиаллари, олий партия мактаблари, партия кадрлари малакасини ошириш курсларининг харажатлари ташкил қилади. Бу муассасаларда 24 мингдан кўпроқ ходим ишлайди. Уларни пул билан таъминлашга 146,2 миллион сўм сарфланади.

Маърузада таъкидланганидек, ҳаёт кадрлар тайёрлашнинг бутун системасига ўзининг йўналиши ва самарадорлиги жиҳатидан ҳам, харажатларни қисқартириш жиҳатидан ҳам жиддий тарзда тузатишлар киритишни талаб қилмоқда. Кўпгина партия муассасаларимизни битта бўлим қилиб бирлаштираётган айрим партия ташкилотларининг қарорини қўллаб-қувватлаймиз. Бу тадбир ишларнинг такрорланишини бартараф этади, ходимларни замон талаблари даражасида тайёрлашга эришиш имконини беради ва харажатларнинг камайишига олиб келади.

Марказий партия муассасалари — ижтимоий фанлар академияси ва институти, марксизм-ленинизм институти. Бутуниттифоқ сиёсий маориф уйи фаолиятини пул билан таъминлашга ҳам ёндашувларни қайта кўриб

(Давоми иккинчи бетда).

Қўшкўпир районидаги Охунбобоев номли колхоз деҳқонлари жорий йилда 976 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 32 центнердан пахта етиштиришга аҳд этишган. Шу ниятда улар ҳозир ғўза қатор ораларига обн-тобида ишлов бериш аяпти. Культивациялаш, озиқлантириш ва суғориш табақалаштирилган ҳолда ўтказилмоқда. Натижада гулга гул, кўсакка кўсак қўшилаётир.

СУРАТДА: илғор сувчи Қуронбой Беков.

К. ОТАЕВ олган сурат. (ЎзТАГ).

ЧЕКАНКА БОШЛАНДИ

Термиз районидаги «Гулбаҳор» совхози деҳқонлари ғўза чеканкасига жумҳуриятда биринчи бўлиб киришдилар. Бу муҳим агротехник тадбирни сифатли амалга оширишга 25 та махсус агрегат жалб этилган.

Ижарачи, район Совети депутати Эшмурод Қулсоатовнинг 17 гектарлик даласидаги ғўза ривожини кўриб, беихтиёр қувонасиз. Хотинработ қумлигига туташ пайкалдаги экин бир текис ва серавж, қатор ораларида бегона ўт учрамайди. Ҳар тупда 5—6 тадан бўлиқ кўсак, 18—20 тагача гул ва шона санаш мумкин. Ҳаммаси меҳнатга боғлиқ экан-да. Бундан 3—4 йил аввал бу ерларда фақат қўйтикан ўсарди.

— Ҳарқалай, бегона ўтдан қандай халос бўлганликларингиз сири нимада? — сўрадик Эшмурод акадан.

— Бунинг ҳеч қанақа синоати йўқ, — жавоб берди деҳқон. — Кузда ерни 40 сантиметргача чуқурликда шудгорлаяпмиз. Плугнинг катта пичоғи олдига кичиги ўрнатилаяпти. Шундай қилинса, даладаги мавжуд бегона ўт, ҳатто ғўзапоя қолдиғи 30 сантиметр чуқурликкача кўмилади. Қиш мобайнида улар тупроқ остида чириндига айланади. Бир пайтлар деҳқонларимизнинг тинкасини қуритган бегона ўт энди ғўзага озуқа бўлаётир.

Ибратли тадбир. Нега бу тажриба районнинг бошқа хўжаликларида қўлланилмаяпти? Масалан, «Намуна» колхозининг пахта, сабзавот етиштирилаётган далаларини бегона ўт босиб ётибди. Колхозчилар қўл учида чопиб кетган бегона ўт орадан икки кун ўтар-ўтмас, камайиш ўрнига баттар кўпаймоқда. «Гулбаҳор»ликлар эса амалдаги йилда 700 гектар майдонда ғўза ўстиришаяпти. Ҳар йили мўл ҳосил олинмоқда. Бироқ саратоннинг иссиғини писанд этмасдан меҳнат қилиб, ҳосилга ҳосил қўшаётган деҳқон уни саранжомлашда оз бўлса-да ҳотамтойлик қилаётир. Яъни йиғим-терим даврида ҳосилнинг бир қисми далада нобуд бўлмоқда. Энди ижарачи учун ҳар чаноқдаги пахта пул, даромад демак.

Ижарачи звено аъзолари бу йил 30 гектар майдондан 90 тонна пахта топширишга аҳд этишган. Бу — шартномада белгиланганидан 30 тонна кўп. Агар шу марра эгалланса, даромад мўмай бўлиши тайин. Механизатор Мусулмонқул Қулсоатов, сувчилар Ҳамроқул Жўраев ва Жумақул Соатов айни саратонда эгатлардан шарбат оқизаётганини, ниҳолларга оби-тобида ишлов бераётганликларини кўриб, аҳдлари қатъийлигига қаноат ҳосил қиласиз. Улар жами майдонга бор-йўғи 12 тонна минерал ўғит сарфлашди. Унинг ўрнига 35 тележка чириган қўй қийини ташиб келтириб, ғўза қатор ораларига солишаяпти.

— Ҳозир асад, — дейди Эшмурод ака. — Деҳқон саратоннинг иссиғидан чўчимасдан, экинни ҳосил тугунчалари билан ясатса, марра уники. Биз чеканкага бултургидан бир ҳафта аввал, Москвада партиямиз XXVIII съезди очилиши арафасида киришдик. Бу анжуманда қайта қуришнинг кўп қиррали долзарб вазифалари: иқтисоднётимизни соғломлаштириш, халқимизнинг турмуш фаровонлигини яхшилаш, Коммунистик партиянинг обрўси ва мавқеини мустаҳкамлаш атрофида баҳслар бўлиши табиий. Съездга вилоятимиздан ҳам вакиллар кетишган. Биз, деҳқонлар шу кунларда янада ҳамжиҳатлик билан меҳнат қилишимиз, ютуқларни мустаҳкамлашимиз керак. Партия ва ҳукуматимиз қишлоқдаги муаммоларни ҳал этиш йўллари тўғрисида бош қотирмоқда. Деҳқон ернинг ҳақиқий эгаси бўлиши керак, дейилаяпти. Бизнинг хўжалигимиз шароитида ижара пудрати жуда қўл келаётир. Бултур звеномиз аъзоларининг ўртача ойлик маоши 300 сўмдан тўғри келди. Амалдаги йилда эса натижалар бундан ҳам яхши бўлишига умид қилаяпмиз.

Б. КЕНЖАБОЕВ, «Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

ЛАЛМИ ЕР САХОВАТИ

Ховос районидаги «Ховос» совхози деҳқонлари бултур кузда 12 минг гектар майдонга дон экишганди. Ғаллакорлар қиш ва баҳор ойларида экиннинг агротехника қоидалари асосида парвариш қилганликлари, муҳими — меҳнатни уюштириш ва рағбатлантиришнинг истиқболли усуллари жорий этилганлиги туфайли жами майдонда ҳар қачонгидан кўп арпа ва буғдой етиштирилди.

Даладагиси эмас, омбордагиси ҳисоб деганларидек, шу кеча-кундузда ўрим-йиғим уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Маматқул Расулов, Жўмабой Абдулҳаев, Баҳодир Мавлонов каби комбайнчилар мусобақа асосида ишлаб, кунига 6—7 гектар пайкалдаги ғалланн ўриб-янчишмоқда. Буғдой ва арпа эса хирмонжойда сараланиб, пешма-пеш омборларга жўнатилаяпти.

Миришкорлар йил бошида ҳар гектар ғаллазордан 6,5 центнердан дон йиғиштириб олишни мўлжаллашганди. Ҳозирча бу кўрсаткич 7—7,5 центнерни ташкил этаётир. Каримжон Турдиқулов бошлиқ ижарачилар эса гектар ҳисобига 8 центнердан зиёд хирмон уймоқдалар.

Т. АЮБҚУЛОВ.

ПАРТИЯНИНГ ЯНГИЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИДАГИ ЎРНИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

чиқиш керак. Уларнинг харажатлари ҳар йили партия-га 28 миллион сўмдан кўпроққа тушмоқда. Маърузачининг фикрича, бу соҳада ҳам таълим шакллари ва муддатларини, тингловчилар ва аспирантлар контингенти миқдорини қайта кўриб чиқиш зарурати етилган.

Маърузачи КПСС Марказий Комитети ишлар мудирлигининг санаторий-курорт муассасалари тўғрисида кўпинча хилма-хил талқинларга сабаб бўлаётган масалага тўхталиб, жумладан, уларда, баъзи кимсалар айтаётганидек, партия аппарати ходимларининг тор доирасигина дам олиб, даволанаётгани йўқлигини таъкидлади. Кейинги йилларда йўлланмаларни шартнома асосида саноат корхоналарининг касаба уюшма ташкилотлари орқали бошқа тармоқларнинг ходимлари ҳам олмоқдалар. Бултур мана шу шифохоналарда 92 мингдан кўпроқ киши ҳордиқ чиқарди, уларнинг 32 фоизи партия ходимлари, журналистлар ва партия нашриётларининг ходимлари, 39 фоизи партия ва меҳнат ветеранлари, сайлаб қўйилган партия ва совет фаоллари, ишчилар, колхозчилар, саноат корхоналари ва аграр комплексининг, соғлиқни сақлаш, халқ таълими ва маданият муассасаларининг хизматчиларидир.

Сўнгра Марказий Комитетнинг ишлар мудири партия бюджети ҳақида гапириб, аъзолик бадалларини тўлаш миқдори ўзгартирилиши ва бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини пул билан таъминлашга ажратмалар қўпайтирилиши муносабати билан бюджетга аъзолик бадаллари тушумлари анча камайишини айтди.

КПСС Марказий Комитетига партия комитетларидан, бошланғич ташкилотлар ва айрим коммунистлардан кўпгина таклифлар тушди. Бу таклифларнинг кўпчилигида партия бадалларини тўлаш миқдорини камайтириш таклиф қилинади. Съезд делегатлари аъзолик бадалларининг аниқ миқдори тўғрисидаги масалани ҳал этишлари лозим.

Аъзолик бадалларининг бошланғич партия ташкилотлари ихтиёрига бериладиган қисми хусусидаги масала ҳозир барча бошланғич партия ташкилотларида фаол муҳокама қилинмоқда. Маърузачининг фикрича, бошланғич партия ташкилотларининг эҳтиёжлари учун ажратмаларнинг таклиф этилаётганидек кўпайтирилиши шу ташкилотлардан энг катталарининг мавқеини мустаҳкамлаши, уларнинг мустақиллигини кенгайтириши шубҳасиз. Бироқ колхоз ва совхозлардаги, маиший хизмат ва маданият соҳасидаги партия ташкилотлари, истиқомат жойидаги территориал ташкилотлар ҳаддан ташқари мураккаб шароитга тушиб қолади, мана шундай ташкилотлар эса кўпчиликни ташкил этади. 401 мингта партия ташкилотидан қарийб 96 фоизининг аъзолари 150 кишига етмайди. Фақат 6400 та партия ташкилотида 300 дан кўпроқ коммунист бор. Чамаси, КПСС Уставида бошланғич партия ташкилотлари ихтиёрига аъзолик бадалларининг 50 фоизгача бўлган қисмини ажратиш тўғрисидаги қоидани қолдириш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Ажратмаларнинг конкрет миқдори тўғрисидаги масалани партия ташкилотлари котибларининг кенгашлари орқали ҳар бир вилоят, ўлка ва жумҳуриятдаги вазиятни, конкрет шароитни ҳисобга олиб, демократик асосда ҳал қилиш мумкин бўлур эди.

Маърузада кўпинча биринчи ўринга чиқиб қолаётган масалалар ҳам тилга олинди. Шулардан бири — иш ҳақини ошириш тўғрисидаги масаладир. Халқ хўжалиги ишлаб чиқариш тармоқлари мутахассисларининг иш ҳақи қанча оширилган бўлса, партия органлари ходимларининг иш ҳақи ҳам шу доирада оширилди. Умуман меҳнат ҳақи фондлари бўйича иш ҳақи 34,6 фоиз кўпайди. Сўнгра партия ходимларининг имтиёзлари ҳақида гапирмоқчиман. Яқин вақтларгача партия ва давлатнинг баъзи раҳбарларига бериб қўйилган давлат дала ҳовлилари партия бюджети маблағлари ҳисобига сақлаб турилганлиги КПСС Марказий Комитетининг айби, деб ҳисобланмоқда. Давлат дала ҳовлиларини сақлаш ва қуришга КПСС Марказий Комитети ишлар мудирлигининг ҳеч қандай алоқаси йўқ ва бу иш билан боғлиқ бўлган ҳар қандай харажатлар партия бюджетидан пул билан таъминланган эмас ва таъминланаётгани ҳам йўқ, деб таъкидлади маърузачи. Партия бюджетидан фақат КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоларига, Сиёсий бюро аъзолигига номзодларга ва Марказий Комитет секретарларига иш ҳақи тўлаб келинди, холос.

Кейинги вақтларда партиянинг мол-мулкини, аввало биноларини, партия нашриётларини, ўқув юртларининг моддий базасини тортиб олиш тўғрисидаги талаблар пайдо бўлди. Мол-мулкни бўлиш тўғрисида таклифлар айтилмоқда, уни давлат ихтиёрига олиб, Советлар қарамоғига топшириш ғояси илгари сурилмоқда. Бу ўринишларнинг ҳаммаси муайян бир мақсадни — КПССни заифлаштириш, уни моддий негиздан маҳрум қилиш, сиёсий курашда қатнаша олмайдиган қилиб қўйиш мақсадини кўзлайди.

Партия мулкининг ҳуқуқий ҳолатига келганда, деб таъкидлади маърузачи пировардида, СССР Конституциясининг 10-моддасига биноан жамоат бирлашмалари (ташкилотлари)нинг, шу жумладан КПССнинг мол-мулки давлат томонидан муҳофаза этиладиган социалистик мулк жумласига киритилган. Бизнинг мулкимиз бутун партиянинг бисотидир. Модомики, шундай экан, барча поғоналардаги партия комитетлари бу мулкдан партия ва халқ манфаатлари йўлида фойдаланилиши ҳақида ғамхўрлик қилишлари керак.

Раислик қилувчи кечқурунги мажлисда танаффус қилишдан аввал бир қанча хатларни ўқиб эшиттирди. Шу хатлардан бирида: нега КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг котиби Н. Н. Слюньков съездда ҳисобот бермади? — деб сўралган эди. У бетоб эканлиги ва ҳозир касалхонада даволанаётганлиги ҳақида изоҳ берилди.

Анжуман қатнашчиларининг кузатувчанлиги муносиб баҳоланмоғи керак. Улардан бири хат ёзиб, мажлисларда ҳозир бўлган кўпгина делегатлар раислик қилувчи овоз беришга таклиф этганида, овоз бермаётганликларига эътиборни қаратди. Шу фактдан у, ҳали овоз беришнинг электрон системасини ҳамма ҳам яхши ўзлаштириб олган эмас, шу сабабли яна бир бор тегишли йўл-йўриқ бериш керак деган хулоса чиқарган.

Мордовиядан келган баъзи делегатлар ҳам кузатувчан эканликларини кўрсатдилар. Уларнинг хати ҳам ўқиб эшиттирилди. Улар бор-йўғи битта илтимос қилганлар — делегатлардан бирини «тартибга чақириш»ни сўраганлар. Бунинг учун нима асос бор? «У ўзини эркин тутяпти, овоз бермаяпти, мажлислар вақтида турли адабиётларни ўқиб ўтирибди ва кўп гаплашяпти». Нима ҳам дердик, бу хатни турлича талқин этиш мумкин: ғалати воқеа деса ҳам, модомики, съездга келган экан, чинакамига ишласин, деб даъват қилиш, деб ҳам атаса бўлади.

Танаффусдан сўнг микрофонлар олдида «гапларнинг қуюни» вужудга келди. РСФСР Олий Советининг сессияси бугун иш бошлади, сессия қатнашчилари съездимизга табрик телеграммасини юборишларига умид қилган эдим, деди делегатлардан бири. Кеч бўлиб қолган бўлса ҳам ана шундай телеграмма келмаганлиги учун, деб давом этди у, сессия номига бундай табрикни ўзимиз юборишимизни таклиф қиламан. Айни бир вақтнинг ўзида кино ва ачиниш ҳам мавжуд бўлган бу мулоҳазани раислик қилувчи жуда жиддийлик билан қабул қилди. У телеграмма юбормай, Россия депутатлари ишида муваффақият тилаб оғзаки истак билдириш билан кифояланса бўлади, деди. Делегатлар бу фикрга қўшилишди.

Залнинг турли жойларидан «КПССнинг бюджети ва мол-мулки тўғрисида»ги маърузанинг баъзи қоидалари билан боғлиқ бўлган, — ҳозир партияда имтиёзлар ва енгилликлар борми, партия счётида валюта маблағи борми? — деган саволлар берилди. Съезд раислик қилувчининг бу ҳақда делегатларни кейинроқ маърузалар ва ҳисоботларни муҳокама қилиш доирасида ҳабардор этиш тўғрисидаги таклифига қўшилди.

Микрофонлардан бири орқали делегат ўз хатини эслатди, бу хатида у: КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси ва Секретариати таркибига кирган айрим раҳбарлар партия анжуманидан олдиноқ ўзларининг истеъфога чиқиши тўғрисидаги масалани қўйганликлари тўғрими? — деб сўраган эди. Раислик қилувчи бу саволга жавоб берa олмагани учун **М. С. Горбачев** сўз олади. У истеъфолар тўғрисида гапиришга ҳали вақт эрталигини, ташкилий масалаларни ҳал этиш тўғрисида гап борганда бу ҳақда гапириш ўринли бўлишини таъкидлади. Лекин ҳозироқ жавоб қилиш мумкин, деди Бош котиб. Ким истеъфога чиқишни сўради? Н. Н. Слюньков сўраган эди ва буни Сиёсий бюро тушуниб кутиб олди: Н. Н. Слюньков оғир бетоб. В. И. Воротников, Г. И. Усмонов, А. П. Бирюкова пенсияга чиқиш тўғрисида илтимос билан мурожаат қилишди. Делегатнинг энди уларнинг ўриндошларини айтиш тўғрисидаги илтимосига келганда эса, уларни съезд белгиласин, деди М. С. Горбачев.

Съезднинг якунловчи ҳужжатларини тайёрловчи комиссияларнинг номлари ва таркиби қизғин муҳокама қилинди. Фикрлашув деярли икки соат давом этиб, унда мамлакатнинг кўпгина регионларидан келган делегатлар қатнашгандан сўнг қуйидаги комиссиялар тузилди: «Инсонпарвар — демократик социализм сари» дастурий баёнот лойиҳаси бўйича — раҳбари В. А. Медведев; КПСС Устави лойиҳаси бўйича — раҳбари М. С. Горбачев; КПСС Марказий назорат комиссияси тўғрисидаги низом лойиҳаси бўйича — раҳбари Б. К. Пуго.

Н. И. Рижков, Е. К. Лигачев, П. К. Лучинский КПССнинг иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш сиёсати ҳамда мамлакатда ижтимоий-иқтисодий аҳволни барқарор этишга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларини кўриш тўғрисида, КПССнинг ҳозирги замон аграр сиёсатини амалга ошириш ҳақида, КПССнинг ёшларга доир сиёсати тўғрисида резолюцияларни тайёрлаш комиссияларининг раҳбарлари этиб тасдиқландилар. Ана шу комиссияларнинг таркибини тузишга доир ишларни давом эттириш тўғрисидаги таклиф қабул қилинади.

Кечки мажлиснинг иккинчи қисми ҳис-ҳаяжонлар анча авж олган вазиятда ўтди. Залнинг турли жойига ўрнатилган микрофонлардан долзарб масалалар юзасидан делегатларнинг фикрлари янгради, аниқ таклифлар киритилди. Хусусан КПСС раҳбарияти собиқ аъзолари фаолиятига ва Чернобиль фалокати оқибатларига сиёсий баҳо бериш учун, халқ таълимидаги вазиятни таҳлил этиш учун комиссиялар тузиш, шунингдек имтиёзлар ва енгилликлар тўғрисидаги масалага қайтиш таклиф қилинди. Делегат аёллардан бири съезд қатнашчиларини ҳис-туйғуларга берилмасликка, ҳурмат билан одоб сақлашга, шу йўл билан иш самарадорлигини оширишга ёрдам беришга чақирди.

Делегатларнинг қаттиқ талабларига биноан таклифларнинг баъзилари овозга қўйилди. Овозга қўйиш натижасида Чернобиль комиссиясини тузишга қарор қилинди. Бошқа «нозик масалаларни» КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий ҳисоботига доир умумий резолюцияда ҳисобга олишга қарор қилинди.

Раислик қилувчи **М. С. Горбачев** яна мандат комиссиясининг раҳбари **Ю. А. Манаенковга** сўз беради. Тоғли Қорабоғ автоном вилояти партия ташкилотида сайлов ўтказиш тафсилотларини текшириш маълум вақтни талаб қилади, деди у. Комиссия ана шуни ҳисобга олиб, съезддан Тоғли Қорабоғ автоном области коммунистларининг залда ҳозир бўлган уч вакилига таклиф этилган кишилар тариқасида маслаҳат овози ҳуқуқини беришни илтимос қилади. Бу ўртоқлар съезд ишида фаол қатнашиш имкониятларига эга бўлишлари лозим.

Делегатлар кўпчилик овоз билан ушбу таклифни қабул қилдилар.

4 июль куни съездда кун тартибидаги дастлабки тўрт масала юзасидан мунозара бошлашга қарор қилинди.

* * *

Раислик қилувчи **И. К. Полозков** 4 июль куни съезднинг эрталабки мажлиси иш тартибига тузатиш киритишига тўғри келди: олдинги куни тасдиқланган сўзга чиқувчилар рўйхати ўзгартирилиб делегатларнинг қарорига биноан «Донецкуголь» бирлашмаси Челюскинчилар номли шахтасининг кон ишчиси **Г. А. Бухарков**га навбатдан ташқари биринчи сўз берилди. У кўмир қазиб чиқариладиган регионлардан КПСС XXVIII съездига сайланган делегатларнинг съездга, мамлакат Президенти, ҳукумати ва шахтёрларига таклиф этилган мурожаатномаси матнини ўқиб эшиттирди.

Ҳукуматнинг 608-сонли маълум қарорини бажариш юзасидан изчил ҳаракат қилинмаётганлигига қарши норозилик белгиси сифатида, дейилади мурожаатномада, айрим шахтёрлар жамоалари 11 июль куни сиёсий иш ташлаш ўтказишга даъват этмоқдалар. Ана шу регионлардан сайланган делегатлар шахтёрларнинг асосан қонуний бу талабларини қўллаб-қувватлаб, юз берган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазиятда халқ хўжалигидаги ҳар қандай тармоқ меҳнатчилари ҳам ўз талаблари ва эътирозларини ана шундай тарзда ифодалаш учун асослари кам эмаслиги фактини тан олмай иложлари йўқ. Шунга қарамай улар сабр бардош кўрсатиб, вазиятни тушуниб етмоқдалар, бу вазиятдан сўнгги чораларни қўлланмай чиқиш учун мумкин бўлган барча ишни қилмоқдалар.

Делегатлар мамлакат шахтёрлари биринчи съездининг ишчиларни КПССдан чиқиши, партия комитетларини корхоналардан ташқарига чиқариш, партия мулкини миллий мулкка айлантириш тўғрисидаги қарорларига ҳамда ишчилар ҳаракатига зарар етказадиган бошқа қарорларига қўшилмасликларини айтадилар.

Юз берган қийин вазиятда, дейилади мурожаатномада, съезднинг кўмир қазиб чиқарувчи регионлардан сайланган делегатлари ҳукуматга мурожаат қилиб, 608-сонли қарорни бажариш юзасидан қилинган барча ишлар тўғрисида оммавий ахборот воситалари орқали жамоатчиликни ва шахтёрларни хабардор этишни талаб қиладилар. Ҳозирги вақтда ва яқин келажакда кўзда тутилган чора-тадбирларнинг қайсиларини бажариб бўлмаслигини очиқ тан олиш керак, келгуси режалар тўғрисида одамларни хабардор қилиш лозим, деб ҳисоблашади мурожаатнома муаллифлари.

Мурожаатномада мамлакат Президенти номига юз берган вазиятни кўриб чиқиш ҳамда бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан ҳозир ғоят зарур бўлган ўзаро келишилган қарорларни ишлаб чиқиш учун кўмир қазиб чиқувчи регионлар вакиллари билан «думалоқ стол» атрофида учрашув ўтказиш истаги билдирилди.

Ҳозирги мураккаб даврда ақл-идрок билан иш тутиш, турмушимиз муаммоларига пухта ўйлаб ёндашиш, куч ишлатиш билан тазйиқ ўтказиш, қаттиқ талаблар қўйиш сиёсати иқтисодиётнинг барбод бўлишига олиб бориши мумкинлигини, қайта қуришнинг боришига салбий таъсир қилиб одамларнинг турмуш даражасини пасайтириб юборишини тушуниб етишга даъватлар мамлакат шахтёрларига қаратилган.

Кончи ўзи ўқиб эшиттирган ҳужжатни қўллаб-қувватлашни илтимос қилди. Мамлакатнинг асосий кўмир ҳавзалари вакиллари бўлган бир неча делегат ҳам шу фикрни айтди.

Овоз бериш натижасида съезд бу мурожаатномани қўллаб-қувватлади.

Съездимиз кўпгина саволларга жавоб қайтариши керак бўлади. Бироқ улардан энг муҳими — партия, унинг тақдири тўғрисидаги масаладир. Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби **С. И. Гуренко**нинг фикрича, умуман партия ҳам, ҳар бир коммунист ҳам ишни яхшилик сари бориб юборишда ўз кучини, ўз қобилиятини текширадиган ҳал қилувчи пайт келди. Бунинг учун эса КПССга ва халқ танлаган социалистик йўлга нисбатан ошкора душманлик позициясини эгаллаган кишилар билан қоявий алоқани узиш, партияга нисбатан туҳматларга зарба бериш, ўкиниш, ва ўзини-ўзи қийнашга чек қўйиш, ҳақиқий хатоларни, нуқсонларни ва қасддан тарқатилган ёлғонни аниқлаб олиш керак. Келинглар, деб мурожаат қилди залдагиларга делегат, ўзимизга-ўзимиз савол бериб кўрайлик, ҳамиша ўзидан норози бўлиб, осонлик билан кетма-кет ўз мавқеини қўлдан бериб қўяётган ва турмушдан орқада қолаётганлигини айтаётган партиянинг кетидан кимлар эргашади?

Нотиқ съезднинг дастурий баёноти ҳақида гапириб, унда кўп партиялилик аниқ бўлиб қолган янги ижтимоий-сиёсий вазиятда партиянинг пухта, синовдан ўтган ҳаракат тактикасини ифодалаб беришни таклиф этди.

Украина коммунистларининг раҳбари сиёсатда йўл қўйилаётган нуқсонларга тўхталиб, улар орасида бозор иқтисодиётига ўтишнинг дастлабки палласи сифатида чакана нархларни ошириш тўғрисидаги таклифни, ишчилар ҳаракатига етарли баҳо берилмаганлигини тилга олди. Бизнингча, деди у, партиянинг раҳбар органлари Чернобиль аварияси оқибатларидан азият чеккан кишиларга нисбатан беҳаҳмлик ҳолларига тоқат қилиб келмоқдалар.

Делегат партия сиёсатининг миллий омилига, миллий Компартияларнинг мавқеи ва мақомига батафсил тўхталди. У Украина Компартиясининг бўлиб ўтган съездида мафкуравий иш тўғрисидаги масала ғоят ўткир тарзда ўртага қўйилганлигини ҳам айтди. КПСС мафкуравий пароканда-лик ҳолатида коммунизмга қарши пропаганданинг ашаддий тазйиқига дуч келганлиги таъкидланди. Гўё коммунистик ғоя озодлик ва демократиянинг акси деган ўз моҳияти жиҳатидан бемаъни ва сохта даъвони омма онгига сингдиришга нисбатан уринишларга деярли ҳеч нарса қарама-қарши қўйилмади, деди республика Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби. У бундай мураккаб ва зиддиятли даврда партиянинг мафкуравий вазифаси заифлашиб кетганлиги учун бевосита жавобгарликни КПСС Марказий Комитети Секретариатига юклади.

Нотиқ партияни демократиялаш сари йўналишини қўллаб-қувватлаб, Марказий Комитет таркибига барча даражадаги коммунистлар киритилишига эришишга даъват этди, КПССда Марказий Комитет Сиёсий бюроси, Секретариати бўлишини, съездда Бош котибни сайлашни ва унинг ўринбосари лавозимини таъсис этишни таклиф қилди.

Ҳиссиётга берилиш васвасаси, сохта танқид, муваффақиятсизликлар, нуқсонлар ва хатолар йўлидан бориш кучли бўлсада, бироқ кўпгина ишчи дўстларим сингари қайта қуриш самараси бўлган жамики ижобий жиҳатлар кўзга ташланиб турган салбий жиҳатлардан анча кўп эканлигини яхши англайман, деди «Карачаево-Черкесстрой» трестининг монтажчилар бригадири **А. И. Скориков**. Марказий Комитетнинг Сиёсий ҳисоботини, Сиёсий бюро аъзоларининг ҳисоботларини эътибор билан тинглар эканман, апрель ойидан бошланган йўлни, партия ва мамлакат тақдирига, умуминсоний қадриятларга, янгича фикрлашга, одамларнинг маънавий покланишига нисбатан, қизғин манфаатдорликка нисбатан лоқайдлик, бепарволик, ишончсизлик йўлини қаёлан тасаввур этдим. Буларнинг ҳаммасини қийинчиликлар, ачинарли янглишишлар ва ҳатто танг ҳолатлар билан таққослар экансиз, қайта қуриш анчагина ютуқларга эришганлигига ишонч ҳосил қиласиз. Бу эса Марказий Комитетнинг фаолиятига қониқарли баҳо бериш, съездимизда жамиятни янгилаш сари бошланган йўлни давом эттириш учун курашда бизга асос бўлади.

Делегатнинг фикрича, танг ҳолатларга, мамлакат бошидан кечираётган тангликка баҳо беришга келганда, бу баҳони съезд бериши керак, бироқ қалбни азоблаш учун эмас, балки шу тангликни бартараф этиш йўлларини қидириб топиш учун шундай қилиш лозим.

Агар партия ҳозирги пайтда ишнинг барча устун йўналишларидан энг муҳимини — ижтимоий дастурларни танлаб олмаса, у халқ орасида ўз обрўйини тиклайолмайди. Нотиқ ана шу фикрдан келиб чиқиб, ўй-ҳой масаласини ушбу программаларнинг негизи, деб атади. У ўй-жой масаласини ўй-жой бозорига ўтиш зарурати билан боғлади. Унинг фикрича, бинокорлик материаллари бозори каби ишончли бозор бўлмаса, бундай бозорни ташкил этиш мумкин эмас. Афсуски, бошқариладиган бозор — шунчаки бозор ва, албатта, ўз-ўзидан бўладиган натура шаклидаги айирбошлаш эмаслигини ҳали ҳамма тушуниб етмаётир. Ваҳолонки, натура шаклидаги айирбошлаш ҳозирдаёқ амал қилмоқда. Ҳозирги пайтда кўпинча фондлар бўйича етказиб берилмаган бир тонна металл учун колхозлардан ўн тонна картошка, бир тонна қувур учун бир тонна гўшт олмоқдалар. Бундай «бозор» билан ҳақиқатан ҳам ҳамма нарсадан маҳрум бўлиб қолиш мумкин.

Нотиқ дастурий баёнот ва янги Устав лойиҳаларидаги бир қанча жиҳатларга нисбатан ўз муносабатини баён этди. У партиянинг ишлаб чиқариш — территориал тузилиш принципини ҳозирги босқичда мақбул принцип деб атади. Бугунги кунда биз бундай тузилишдан воз кечишга ҳаққимиз йўқ, деб таъкидлади у. Чунки коммунистнинг бутун сиёсий ҳаёти бошланғич ташкилотда, меҳнат жамоасида ўтади. Делегат партияда демократик централизм қоидасини янги мазмун билан тўлдириш тўғрисидаги тезисни ҳам қўллаб-қувватлади. Янги Уставда, деди у, партиянинг принципиал қарорларини ишлаб чиқишда ҳар бир коммунистнинг иштирок этиш йўллари пухта ўйланган бўлиши лозим.

Марказий Комитетнинг ҳисобот маърузасидаги қишлоқ хўжалигига тааллуқли бўлим қишлоқдаги ҳақиқий аҳволни тўла акс эттирмайди, деди Пенза вилоятидаги «Кирилловский» совхозининг директори **А. А. Порутчиков**. Ҳозирча бир нарса шак-шубҳасиздир ва у маърузада акс эттирилган — заминда хўжаликнинг барча шаклларини ривожлантириш, озиқ-овқат муаммосини ҳал этишнинг негизи бўлиши зарур.

Бироқ эски шаклларга етарли баҳо бермаслик ва уларга барҳам бериш оқилона иш эмас. Колхоз ва совхозларни тарқатиб юборишга, хусусий мулкчиликка, фермер хўжаликларига даъватларнинг ташаббускорлари Россиянинг олис районларига бориб, деҳқонлар билан маслаҳатлашса, пухта ўйлаб кўриб, сўнгра хулоса чиқарса яхши бўлмасмикан. Буни қишлоқ меҳнаткашлари хоҳлайдими? Бугунги кунда ҳувиллаб қолган қишлоқларда қанча деҳқон қолди, улар қандай шароитда яшаб, меҳнат қилишмоқда? Эҳтимол, ташаббускорларга ботқоқликларда қийиладиган резина пойабзал етишмаган бўлса керак.

Кейинги вақтда ошкоралик шиори остида қишлоққа нисбатан қанчадан-қанча ғоялар ва концепциялар таклиф этилди. Қишлоқ эса ҳозирча лом-мим демаяпти. Қишлоқ аҳли иш ташламаяпти, митингларда нутқлар сўзламаяпти, чунки, кундалик юмушлардан бунга вақт ортмайди. Бундай туюлаётган фаолиятсизлик ҳеч кимни чалғитмасин. Норозилик юзага чиқиш арафасида турибди. Ҳаддан ташқари «фикрлар хилма-хиллиги» ва «демократия» деҳқонларнинг жонига тегди. Энг муҳими шуки, янги тузилган «фронтлар, уюшмалар» ва партиялардан ҳеч бири ҳозирги кунғача уларнинг пиравард мақсади — мамлакатни тўйдириш, одамларни кийинтириш, мустаҳкам ҳимоя қилиш эканлигини айтмади. Шу пайтгача қишлоқ уларга беминнат соғин сигир бўлиб туюлади. Ғалла қандай етиштирилиши ва нон, гўшт, сут ҳиди қандай эканлиги билан уларнинг иши йўқ...

Нотиқ қишлоқни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш муаммолари тўғрисида деҳқонга оғизда эмас, балки амалда қарзни қайтариш, энг муҳим вазифаларни ҳал этишда унга амалий ёрдам бериш зарурлиги ҳақида гапириб, яқин икки-уч йилга мўлжалланган ишларнинг энг муҳим йўналиши: совхоз ва колхозларнинг ҳеч бўлмаганда Марказий кўрғонларини газлаштириш, хўжалик ичкарисида асфальт ётқизилган йўллар қуришни тўла-тўкис тугаллаш, шинам уй-жойлар ҳамда ижтимоий-маданий-маиший объектлар қуриш тўғрисидаги масалани ҳал этиш, сифатли техника ва ускуналарни мақбул нархларда етказиб беришни йўлга қўйиш, қишлоқ ва саноат маҳсулотини тенг қийматли айирбошлашни таъминлаш эканлигини айтди.

У иқтисодчи Г. Х. Поповнинг СССР халқ депутатларининг III съездида сўзлаган нутқидан парча келтириб, бундай деди: Ҳужум йўналиши қанчалик пухта белгилаб олинганлигини кўряпсизларми? Ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг партия аъзоси бўлишини тақиқлаш, ишлаб чиқаришда ва муассасаларда партия ташкилотлари бўлишини тақиқлаш коммунистларни армиядан, заводлардан, фабрикалардан, колхоз ва совхозлардан хонадон ошхоналарига ва жамоатчилик клубларига қувғин қилиш демакдир. Бундан мақсад равшандир: партияни ичидан парчалаб, пароканда қилиб юбориш, унинг мулкига эга бўлиш ва пировард натижада ҳокимиятни эгаллашдир.

Россия вилоятларининг ишчи ва деҳқонлари партияга қатъий ишонч билдирадилар, деди Пенза коммунистларининг вакили.

Биз ҳаммамиз, ҳали РСФСР Компартияси таъсис съезднинг қизғин муҳити таъсирида яшаяпмиз — КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи котиби **Ю. А. Прокофьев** ўз нутқини ана шундай бошлади. Москва партия ташкилотида, фақат ундагина эмас, бошқа ташкилотларда ҳам ана шу съезд якунлари теварагида қизғин мунозаралар давом этмоқда. Деярли ҳеч ким жумҳурият Компартиясини тузиш зарурлигини рад этмаяпти, бироқ кўпгина коммунистлар қарорлар шошма-шошарлик билан қабул қилинганлигини танқид қилмоқдалар, бутун партия ташкилотлари янги ташкил қилинган партияга киришдан бош тортмоқдалар.

Нотиқ навбатдаги жумлани залдагиларнинг безовталаниб, чапак чалганлиги туфайли бир неча бор қайта бошлашига тўғри келди. Компартиянинг таъсис съездида ва ундан кейин авж олиб кетган мунозара, деди нотиқ ғоят ўткир зиддиятлар борлигини намоён этди ва зиддиятларни ўнглар ва сўллар, консерваторлар ва тараққийпарвар кучлар қарама-қаршилиги деган оддий таъриф билан баён этиш қийин. Аслида ҳамма нарса анча мураккаброқдир. Қайта қуриш соҳасидаги камчиликларга нисбатан отилган ўқ қайта қуриш сиёсатининг ўзига қаратилди. Айни пайтда барча томонлардан ҳужум қилинмоқда. Бироқ, асосий масала шундаки, биз танқид билан эришишни истаётган нарса — бошланган ишнинг муваффақиятидан ёки уни орқага бориб юборишдан иборат эканлигидадир.

Москва партия ташкилотининг раҳбари пойтахтга шаккоклик манбаи, сиёсий ҳаракатлар ўчоғи, деб қараётганликларини таъкидлади. Марказда ижтимоий жараёнлар ҳамиша тезроқ ривожланади. Бироқ юзага келган тўлқин энг олис манзилларга етиб боради ва буни олдиндан сезиб, воқеалар кетидан бориш эмас, балки уни бошқариш керак бўлади.

Нотиқнинг фикрича, бугунги кунда партия уч йўл оралиғида турибди: маъмурий-буйруқбозлик системасига қайтиш, туб демократиялаш ва ниҳоят, ажралиш, парчаланган КПССда янги таркибдаги тузилма сари бориш. Аммо бу жамият учун фойдалими? Тўқсонинчи йилнинг жазирама ёзида ҳаддан ташқари кўп нарсалар ҳал этилиши керак бинобарин, парчаланиш муқаррар тус олишига йўл қўйиб бўлмайди. Партияда уни демократиялаш йўлидан олиб борадиган оқил кучлар етарлидир. Барча оқимлар вакилларининг муддаоларини унда жамлаш лозим.

Нима учун бу йўл ғоят қийин бўлмоқда? Нотиқ ушбу саволга жавоб қайтариб, съездлар оралиғидаги йиллар давомида энг муҳим ишни қила олмадик — давлат ҳокимияти органларидан ва турмушнинг барча соҳаларида ҳукмронликдан демократиянинг самарали мактабига айлана олмадик. Марказий Комитетнинг партия қурилиши масалалари комиссияси ҳам бу йўлда суст ишлади.

Ижтимоий-сиёсий жараён ўз-ўзидан ривожланиши мумкин, деган асосий кўрсатма нотўғридир. Жамиятнинг ривожланиши тўғрисидаги партия концепциясини шакллантиришга дархол киришиш ҳамда уни матбуотда ва партия ташкилотларида кенг муҳокама қилиш зарур. Делегат Устав лойиҳасининг мунозаралар, референдумлар сингари ташкилий жиҳатларини мустаҳкамлаб берувчи қоидаларини қўллаб-қувватлади. У партиянинг бир қанча долзарб вазифаларига, жумладан унинг иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқишдаги иштироки ва ҳокимиятнинг ваколатли органларидаги ўз вакиллари орқали уни рўёбга чиқариш учун курашиши зарурлигига батафсил тўхталди.

«Ростсельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори **Ю. А. Песков** ўз нутқида ҳозирги вақтда Коммунистик партия энг фожиали қийин даврни бошдан кечираётганлигидан хавотирлик билдирди. Истиқболли сиёсий мақсадларнинг қадрсизланиши, партиядаги бирликнинг барбод бўлиши, коммунистлар бир қисмининг сусткашлиги, лоқайдлиги, марксизм-ленинизмни тафтиш қилишга даъватлар партияни ички зиддиятлар емирадиган шарт-шароитни вужудга келтирди. Партияга ўнгдан ва сўлдан ҳужум қилинмоқда. Биз партияга нотўғри айблар қўйилаётган бир пайтда окопларда ўтиришимиз ва унга лоқайд бўлишимиз мумкинми? Бундай айбловларга қандай жавоб қайтариш керак? Иш билан жавоб қайтаришимиз зарур.

КПСС мамлакат ишчилар синфи, деҳқонлар ва барча меҳнаткашларининг туб манфаатларини ифодалашга интилаётганлиги билан кучлидир. Қайта қуриш, мамлакат ижтимоий турмушини демократиялаш унинг ташабуси билан бошланди. Аммо шу нарса равшанки, партия маслакдошлар уюшмаси, ўз ортидан миллион-миллион меҳнаткашларни эргаштиришга қодир, жипслашган ташкилотга айланғандагина қудратли бўлади. Энг муҳими — халқ турмушини яхшилаш ҳозирнинг ўзидаёқ мавжуд бўлган платформалар ва ҳаракатларни бирлаштирувчи омил бўлиши лозим. Сиёсий вайсақиликка чек қўйиш ва иқтисодиёт билан жиддий шуғулланиш пайти келди, деб таъкидлади нотиқ.

Нотиқ ҳукуматнинг сиёсий маърузада баён этиб берилган иқтисодий тангликдан чиқиш тадбирларига оид программасига танқидий баҳо бериб, унда пировард мақсад яққол кўзга ташланади, бироқ унга эришиш йўллари очиқ-ойдин кўрсатиб берилмаган, деди. Халқ фаровонлигини оширишнинг ҳар бир йилга мўлжалланган бирмунча равшан мезонлари бўлиши зарур.

Нотиқ сиёсий курашнинг қийин даврида белгиланаётган вазифаларда Компартиянинг мавқеи ва аҳамияти тўғрисида гапириб, фаолиятнинг барча соҳаларда корхоналарнинг партия ташкилотларини мустаҳкамлаш зарурлигини ёқлади. Агар партия инсонни ўз сиёсатининг марказига қўйса — бу вазифани бошланғич партия ташкилоти сиёсий усуллар билан ҳал этиши зарур. Партия ташкилотлари ўзининг асосий мавқеидан воз кечмаслиги, одамларнинг турмуш даражасини белгиловчи бошқа барча масалалардаги сингари ижтимоий сиёсатни шакллантиришда фаол қатнашиши ва бунда ишлаб чиқилган программаларга сиёсий баҳо бериш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолиши даркор. Агар партия бирорта соҳадан четлашадиган бўлса, деди пировардида нотиқ, вужудга келган бўшлиқни бошқалар эгаллайди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби **И. А. Каримов** сўзга чиқди. (И. А. Каримов нутқи газетада алоҳида эълон қилинмоқда).

СССР 50 йиллиги номли Череповец металлургия комбинати слесарлар бригадасининг бошлиғи **Ю. В. Архиповнинг** фикрича, дарҳақиқат партия оғир даврни бошидан кечирмоқда. Унга ҳам сўлдан, ҳам ўнгдан қатиқ ҳужум қилмоқдалар, танқид қилмоқдалар. Аммо бу танқидга на Марказий Комитет, на Сиёсий бюро жавоб бераётгани йўқ, деб ҳисоблайди ишчи. Бунинг устига, жойлардаги одамлар сўнгги вақтда Сиёсий бюро нима билан машғул бўлганини ҳам билмайдилар.

Фаолиятнинг айрим йўналишлари бўйича партия раҳбариятининг ҳаракатларини делегат сиёсий хато, деб атади. Унинг фикрича, иқтисодиётда ислоҳотлар шоша-пиша ўтказилаётгани, кооператив ҳаракат равнақидаги нуқсонлар, алкоголизмга қарши пухта ўйланмаган кампания шулар жумласидандир.

Нотиқнинг назарида ҳозир ҳам хатолар бўлиб турибди. Сиёсий бюро ва ҳукумат коммунистлар ҳамда меҳнаткашлар билан маслаҳатлашмай, иқтисодиётни бошқарилади

ПАРТИЯНИНГ ЯНГИЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ ДАГИ ЎРНИ

(Давоми. Боши иккинчи бетда).

вақтда ўзига хос хусусиятларни ва қарор топган алоқаларни йўқотмаслик керак ёки яна боши берк йўлни танлаб олиб, ёлғон ақидалар, тутруқсиз мафқуравий афсоналар, айниб кетган иқтиёсодиёт оламига қайтиш керак. Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби **Е. Е. Соколов**. Бу ердаги асосий чегара социалистик йўлни танлаб олиш даражаси орқали ўтади. Совет Белоруссияси коммунистларининг кўпчилиги съездолди ҳужжатларини муҳокама қилиш чоғида ўзларининг ана шу йўл тарафдори эканликларини тасдиқладилар. Улар КПСС бирлиги ва янгиланиши учун, партиянинг марксизм-ленинизмга садоқати, уни инсоният тафаккурининг ҳозирги ютуқлари билан бойитиш учун ҳаракат қилмоқдалар.

Белоруссия коммунистлари ғоявий тебранишлар ва қолоқликка, келишувчилик ва принципсиз муросага қарши ўз фикрларини айтдилар. КПССда ва мамлакатимизда рўй бераётган жараёнлар, М. С. Горбачев маърузасидаги ғоялар ва қоидаларни мушоҳада этар эканман, деб сўзида давом қилди нотиқ, ўзимга шундай савол бераман: бугунги кунда турли сиёсий кучларни, турли қарашлар ва интилишлардаги кишиларни бирлаштириш, жамиятни жипслаштириш борасидаги фаолиятида партиямиз учун нималар алоҳида аҳамият касб этмоқда? Бу, энг аввало — шундай жипслашувнинг ҳақиқий негизини белгилаб олишдир. Социалистик ғояни ойдинлаштириш ана шундай асос бўлиши мумкин. Иккинчидан, бу — миллатлараро муносабатларни уйғунлаштириш, мустақил совет социалистик давлатлар иттифоқини сақлаб қолишдир. Учинчидан, ҳаётий муҳим қадам — бошқариб туриладиган бозор муносабатларига ўтиш зарурлигини тушунишдир.

Бизнинг идеалимиз инсоният маданиятининг инсонпарвар асосини, энг яхши ҳаёт ва ижтимоий адолат тўғрисидаги абадий орзуларини ўзида қамраб олганлиги тўғрисида съезднинг дастурил баёноти билангина чекланиб қолиш керак эмас, деб ҳисоблайди жумҳурият Компартиясининг раҳбари. Социализм сўзининг ўзи янада аниқроқ белгилаб олиниши керак.

Белоруссия Компартияси янги иттифоқ шартномаси қабул қилинишини ёқлар экан, Совет Белоруссиясини давлат нуқтаи назаридан, сиёсий, иқтисодий ва маънавий жиҳатдан қайта тиклашни, шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашни, ҳар бир фуқароннинг ижтимоий жиҳатдан ҳимояланишини ўзининг асосий вазифаси, деб ҳисоблайди.

Нотиқ Белоруссиянинг бутун аҳолиси энг асосий вазифа Чернобиль фожиаси тўғрисида ғамхўрлик қилишдан иборат, деб ҳисоблаши хусусида батафсил гапирди. Белоруссия Компартияси ушбу авария оқибатларини тугатишда фаол қатнашишни ўзининг энг муҳим дастурий мақсади, деб ҳисоблайди.

СССР мудофаа саноати министри **Б. М. Белоусов** мамлакатдаги қайта қуриш қандай бораётганлигини таҳлил қилиб, бунда ижобий натижалар билан бир қаторда белгиланган маррага эришмаганлигимизни таъкидлади. КПСС XXVII съездининг бир қанча режаларини рўёбга чиқариш барбод қилинди. Жамиятда ва иқтисодиётда очиқдан-очиқ нохуш тамойиллар пайдо бўлди.

Нотиқнинг фикрига қараганда, мафкуравий ишлардаги асосий муаммо шундан иборатки, сиёсий-иқтисодий системани қайта ташкил этиш мавҳум равишда, аниқ йўналишсиз, бошланғич партия ташкилотлари билан партия комитетлари ишларини аниқ-равшан қўлланмаларсиз ва уларни мувофиқлаштирмай туриб олиб борилмоқда. Ишлар «Қайта қуришни амалга оширамиз!» деган умумий шиор остида бормоқда. Марказий Комитетнинг Идеология бўлими марксизм-ленинизмни ҳимоя қилишдаги сиёсий курашдан четга чиқди. Бу эса умуман социализм ғоялари ва коммунистик идеалларнинг обрўсини тўкиш учун муҳолифларимизга имконият беради. Биз ҳаммамиз ошкоралиги ривожлантириш, фикрлар хилма-хиллиги йўлини қўллаб-қувватлаймиз. Лекин ана шу ранг-баранг даврада идеологларимизнинг овози нима сабабдан эшитилмай қолянпти?

Нотиқ иқтисодиётнинг аҳволига баҳо берар экан, кейинги йилларда умуман саноат ва жумладан мудофаа саноати (бу ўз-ўзидан жуда хавфли) бир қанча мунозарали иқтисодий концепцияларни синаш майдонига айланди, деди. Иқтисодиётнинг аянчли аҳволи, бу, шубҳасиз, хўжалик ислоҳоти жараёнининг мураккаблиги, ноизчиллик, принципсизлик, баъзан эса ўқувсизликнинг натижасидир.

Нотиқ ўзи бошқараётган тармоқнинг хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш тажрибаси билан ўртоқлашди. У ҳарбий саноатнинг соҳасини ўзгартириш муаммосига тўхталиб, бундай деди: ишлаб чиқариш ҳажмларини қисқартирар эканмиз, умумий концепциямиз доирасида ишлаб чиқарилаётган ҳарбий техника ва қурол-яроғларнинг техникавий даражасини йўқотмаслигимиз керак. Айни вақтда, биз соҳани ўзгартиришдан баракали самара олишни хоҳласак, конверсия тўғрисидаги қонунни, шунингдек мудофаа тўғрисидаги қонунни тезроқ қабул қилиш зарур.

Қайта қуриш ташаббускори бўлган партия нима сабабдан ўз етакчилик мавқеини йўқота бошлади? Шу саволни берган **Н. А. Назарбоев** унга шундай жавоб қайтарди: биз қайта қуришни қандай бораётганлигини таҳлил қилиб, бунда ижобий натижалар билан бир қаторда белгиланган маррага эришмаганлигимизни таъкидладик. КПСС XXVII съездининг бир қанча режаларини рўёбга чиқариш барбод қилинди. Жамиятда ва иқтисодиётда очиқдан-очиқ нохуш тамойиллар пайдо бўлди.

Нотиқнинг фикрига қараганда, мафкуравий ишлардаги асосий муаммо шундан иборатки, сиёсий-иқтисодий системани қайта ташкил этиш мавҳум равишда, аниқ йўналишсиз, бошланғич партия ташкилотлари билан партия комитетлари ишларини аниқ-равшан қўлланмаларсиз ва уларни мувофиқлаштирмай туриб олиб борилмоқда. Ишлар «Қайта қуришни амалга оширамиз!» деган умумий шиор остида бормоқда. Марказий Комитетнинг Идеология бўлими марксизм-ленинизмни ҳимоя қилишдаги сиёсий курашдан четга чиқди. Бу эса умуман социализм ғоялари ва коммунистик идеалларнинг обрўсини тўкиш учун муҳолифларимизга имконият беради. Биз ҳаммамиз ошкоралики ривожлантириш, фикрлар хилма-хиллиги йўлини қўллаб-қувватлаймиз. Лекин ана шу ранг-баранг даврада идеологларимизнинг овози нима сабабдан эшитилмай қолянпти?

КПСС ишчилар синфининг ва манфаатларини ифодаловчи партия бўлиб қолмай, айни вақтда унинг стратегик манфаатларини ҳам ҳимоя қилувчи партиядир, деб қатъий айтадиган вақт келди. Ҳозирча мазкур масала юзасидан аниқ-равшан йўлимиз йўқ. Бу ерда Сиёсий бюро баъзи аъзоларининг ҳисоботлари ҳам ишончимизга ишонч қўшмади. Уларнинг иш услуби аввал қандай бўлса, шундайлигича қолибди, қайта қуриш руҳига жавоб бермайди. Армиянинг тайёрланмаган позицияларга чекинишини эслатадиган бозорга шошма-шошарлик билан ўтишни бунга мисол қилиб келтирса бўлади.

Биз бошқариладиган бозор тарафдоримиз. Айни вақтда ижтимоий жиҳатдан пишиқпухта ўйлаб қилинадиган дадил ҳаракатлар тарафдоримиз. Ҳозирги шароитда бозор ғояси иқтисодиёт доирасидан анча чиқмоқда, жипслаштирувчи восита бўлиб бормоқда. Чунки унинг сўзсиз шарти бу — СССР бирлигидир. Нотиқ иқтисодий таназзул муносабати билан ташвиш билдирди. Ўз фикрини Қозоғистон мисолида исботлади. Н. И. Рижков ҳисоботида эса, деб эслатди у, бошимизда пайдо бўлган хавф-хатарнинг олдини олиш тадбирлари тўғрисида гапирилмади.

Мафкура соҳасида ташвишли ҳоллар кўп. Ленинизмни, партия ғояларини виждонсизларча бузиб кўрсатаётганларга муносиб зарба берадиган ҳеч ким йўқ. Мафкура жабҳаси ходимларининг суст, қўрқоқларча хатти-ҳаракатлари партия кучларининг жанговар руҳини тушириб юборди. Айниқса аниқ концепциянинг йўқлиги миллатлараро муносабатларга таъсир қилди. Бизнинг йўлимиз — бу янгиланган Совет Социалистик Жумҳуриятлари, иттифоқи, ягона КПСС-дир. СССР халқлари Президентдан уларни аниқ равшан ҳимоя қилишни, ҳуқуқ-тартиботни ва интизомни мустаҳкамлаш борасида амалий тадбирлар кўришни кутишмоқда. Янги иттифоқ шартномасини зудлик билан қабул қилиш, жумҳуриятларнинг ҳар томонлама алоқаларини кенгайтириш керак.

Нотиқ ўз сўзининг охирида қайта қуришда фақат салбий томонларни кўришга бўлаётган уринишларни қатъиян рад этди, партиялилар оммаси ҳар томонлама жипслашишлари зарурлигини таъкидлади. У Қозоғистон коммунистлари номидан Сиёсий бюро сақланиб қолинишини, М. С. Горбачев КПСС Марказий Комитетининг Бош котиби этиб сайланишини ёқлаб гапирди.

Съездимиз бизнинг партия ташкил топган кундан 87 йил ўтгач: у бугун қандай бўлиши керак, кимнинг манфаатларини акс эттириши лозим, коммунистларни ва мамлакатни қаерга олиб бориши даркор, деган масала яна қўйилаётган ва бутун партиямиз тақдирига дахлдор бўлган вақтда ўтмоқда. Душанбе таксомотор корхонасининг ҳайдовчиси **О. Азимов** ўз нутқини ана шу фикрдан бошлади. У бундан беш йил илгари қайта қуриш йўлини эълон қилган, ошкоралики халқ мулкига айлантирган партиянинг ўзи оғир аҳволда қолганлигини таъкидлади.

Менга, бир ишчига бугунги кунда КПССга шу даражада кўп туҳмат ёғдирилаётганини кўриш алам қилади, деб давом этди сўзида делегат. Сиз, эҳтимол, «Известия» газетаси саҳифаларида, айтишим мумкинки, заҳархандалик билан партиямиз қай даражада қаттиқ танқид қилинаётганлигига эътибор берган бўлсангиз керак. Ҳамма нарса бадном қилинмоқда: агар у партком котиби бўлса, албатта бюрократ, ижтимоий адолатни бузувчи киши; агар партия аъзоси жиноят учун ҳатто ўз вақтида партиядан ўчирилган бўлса, демак халқ иши учун жабрланган бўлиб чиқади.

Нотиқ генерал Макашовнинг Россия Федерацияси коммунистлари съездида сўзлаган нутқига бўлган муносабатни эслатди. Душанбелик ҳайдовчи ҳарбий бошлиқ яхши гапирганлигини, унинг нутқи ишчиларга жуда ёқ-қанлигини айтди. Лекин генералнинг армия билан флот бизнинг иттифоқимизга ва Россиямизга яна керак бўлади, деган гапларига жавобан «Известия» газетаси уни партиядан ўчиришни ва унвонлардан маҳрум этишни талаб қилди. Наҳотки шундай қилиш мумкин бўлса, деди нотиқ ҳайратланиб.

Халқ орасида машҳур «Взгляд» кўрсатуви эса КПССни яна бир марта булғаш учун ҳамма иложи бор ва иложи йўқ нарсаларни қилмоқда, деб сўзида давом этди нотиқ. Муаллифлар ҳеч нарсадан тап тортмайдилар. Кўпинча халқ манфаатларидан узоқ бўлган, ҳокимиятга интилаётган кишилар ҳаммани ҳамма нарсада гуноҳкор қилишга киришмоқдалар.

Партия ўзи ҳақида кўпгина аччиқ сўзларни айтиб улгурди, дея эътироф қилди делегат. Афтидан, партиянинг ўзини демократиялашга доир аниқ ишларни бошлайдиган, уни ёлғон-яшиқ сўзлар, ҳақоратлар оқимидан ҳимоя қиладиган ишларни бошлайдиган вақт келди. Партия раҳбари М. С. Горбачев ва Сиёсий бюро ана шулар устида жиддий ўйлаши керак.

Нотиқнинг фикрига кўра ҳозир чуқур ўйлаб тузилган аниқ, муддатлари белгиланган Ҳаракат дастури керак. Партия раҳбар органларига эса социализмнинг инсонпарвар мақсадларига ишонадиган, ўзининг бутун кучи ва тажрибасини халқ фаровонлигини учун сарфлашга тайёр турган одамлар кириши керак.

КПСС Шимолий Осетия вилоят комитетининг биринчи котиби **А. Х. Галазов** ўзи мамлакатдаги сиёсий ва иқтисодий танглик сабабларини қандай таҳлил этганлигини ўртоқлашди, ушбу тангликдан чиқиш йўллари ҳақида гапирди. Унинг фикрига қараганда, бизнинг барча кулфатларимиз ҳали у томон, ҳали бу томонга оғиб кетишлар сабабли рўй бермоқда. Биз маъмурий-буйруқбозлик усулларини ўрнатта бориб, интизом ва тартиб билан боғлиқ барча нарсаларни яроқсиз ҳолга келтирган вақтларимиз бўлди, деди у. Энди эса демократиялаш ва ошкораликнинг соғлом ғояси бемаънилик даражасига етказилган, ҳар қандай интизом ва маданиятдан маҳрум бўлган, баъзи минтақаларда эса анархияга, бузғунчи унсурларнинг бебошлигига айланган бошқа бир даврни бошимиздан кечираяпмиз. Нотиқ партия раҳбарига бўлаётган ҳужум ана шундай ўзи бўларчиликнинг кўриниши бўлиб, бирон мамлакатдаги ўзини ҳурмат қиладиган бирон бир партия, унинг сўзларига қараганда, бунга йўл қўймайди.

Юзага келган аҳволдан қутулишнинг иложи борми? Нотиқ буни партиянинг қўйидаги қатъий ва изчил ҳаракатларида кўради: биринчидан, тафтиш ўтказиш, КПСС Ҳаракат дастури томонида турган, коммунистик мақсадларга ва танлаб олинган социалистик йўлга содиқ бўлган барча соғлом кучларни аниқ баҳолаш керак. Иккинчидан, партияни тасодифий йўлдошлардан, ҳали ҳам партия билетига эга бўлган, лекин бизга бегона мафкурага эътиқод қиладиган, бутун тарихимизни хато деб, марксча-ленинча таълимотни хом хаёл деб ҳисоблайдиган кишилардан тозалаш лозим. Учинчидан, деди делегат, ҳокимиятни топшириш тўғрисидаги тинимсиз гапларга барҳам бериш зарур.

Партиянинг қўлидан ҳеч ким унинг доимий қуроли — меҳнаткашлар оммаси билан ишлаш қуролини тортиб олгани йўқ. Ниҳоят, ҳам сўлдан, ҳам ўнгдан, ҳам бегоналар, ҳам ўзимизникилар калтаклаётган партиямизнинг мудофаадан ҳужумга ўтадиган, уялганидан сукут сақлашни тўхтатадиган, ўзини, ўз таълимоти, ўз қаҳрамонлари ва даҳоларини, ўз ўтмиши ва ҳозирги кунини ҳимоя қилиш учун барча кучларни сафарбар этадиган вақт келди, деб ҳисоблайди нотиқ.

У барча даражалардаги Советларда коммунистлар фаолиятини кучайтириш партия обрўсини мустаҳкамлашнинг муҳим воситаларидан бири эканлигини айтди.

Жумҳурият партия ташкилотлари мақомини ўзгартириш тўғрисидаги жиддий гапни амалда фақат бугун, жуда кечикиб бошладик. КПСС Калининград шаҳар (Москва вилоят ташкилоти) комитетининг биринчи котиби **В. И. Перов** ўз нутқини шу гапларни таъкидлашдан бошлади. Ушбу масалани кўриб чиқишда сусткашлик қилинганлиги партияга сезиларли зарар етказди. Болтиқбўйи компартияларида мураккаб вазият юзага келишига сабаб бўлди. Ҳисобот берган Сиёсий бюро аъзоларининг биронтаси ҳам ушбу минтақада сиёсий вазият қандай бўлиши ва ривожланишида ўз масъулияти ва унда иштироки хусусида гапирмади. КПССнинг жаҳон социалистик ҳаракатидаги аҳамияти ва ўрни, унинг ҳозирги ва мавҳум келажакдаги оғир тақдири таҳлил этилмади.

Нотиқнинг фикрига қараганда, КПСС 1985 йилдан кейин босиб ўтган босқичи партияни янгилаш босқичи бўлмади. Тўғриғи, бу партия ички турмушига раҳбарликнинг айрим, янада кучлироқ сўзсиз бўйсуниш шаклларидан воз кечиш даври бўлди.

Эски услублар асосида янги вазифаларни ҳал қилишга уринма. Бундан ҳеч нарса чиқмайди. Ленининг бу сўзларини келтирган нотиқ съезд жавоб бериши лозим бўлган масалани ўртага қўйди: ҳақиқий янгиланиш жараёнини бошлаш учун қандай негиз яратиш керак?

Партия ташкилотларида сайловолди кампанияси чоғида кўплаб турли-туман таклифлар айтилди ва энг аввало шахсга сиғиниш пайдо бўлишига ва раҳбарликнинг авторитар услуби юзага келишига тўсқинлик қиладиган омил яратиш зарурлиги таъкидланди. Бошланғич ташкилотларда, матбуотда тайёр қарорлар эмас, балки дастлабки муаммолар муҳокама қилиниши лозим. Барча нуқтаи назарлар умумлаштирилганидан кейингина лойиҳалар ишлаб чиқилади. Лойиҳаларни расмий ва муқобил лойиҳаларга бўлиш усулидан воз кечиш керак.

КПСС ҳукмрон партия сифатида совет жамиятини ривожлантиришнинг ҳеч бўлмаганда яқин йилларга мўлжалланган яхлит концепциясига эга бўлиши керак. Тақдим этилган дастурий баёнот лойиҳаси Ҳаракат дастурининг асоси бўлиши мумкин холос, деб ҳисоблайди делегат. «Инсонпарвар, демократик социализм» тушунчаси мужмал кўринмоқда. Аниқ мақсадларнинг, уларга эришиш йўлларининг йўқлиги одамларни чалғитади. Делегат шу муносабат билан Москва авиация институти ва олий партия мактабида ишлаётган ёш доцентлар илк бор чиқишлари биланоқ «окопларга беркиниб олган» жамиятшунослар жуда катта отряди шанига жиддий танқидий фикрларни айтди.

(Давоми келгуси сонда).
(ТАСС).

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, Ўзбекистон ССР Президенти

И. А. КАРИМОВ нутқи

Ҳурматли депутат ўртоқлар! Жамиятда, халқда ҳозир норозилик шу қадар кўпайдики, ҳатто ўйланмай қўйилган битта ноўрин қадам ҳам партияни ва бутун мамлакатимизни ажралишга ва фалокатга олиб келиши мумкин, бу бизнинг ҳаммамизга равшан бўлиши керак. Ўзбекистон делегацияси ўз коммунистларидан бунга йўл қўймаслик учун мумкин бўлган ҳамма ишни қилиш тўғрисида наказ олган. Улар партиямиз бошидан кечираётган чуқур тангликни бартараф этиш мумкинлигига ишонадилар. Ва бу ишонч жумҳурият Компартияси XXII съезди резолюциясида таъкидланган. Михаил Сергеевич Горбачевнинг маърузасида бу тангликдан чиқишнинг принципиал йўллари кўрсатиб берилган. Ўртоқлар, муҳокама қилинаётган масалаларга доир мавқеимиз ва уларга бераётган баҳомизни қисқача айтиб тўшига рухсат бергайсиз.

Биринчиси. Биз партияни янгилаш тарафдоримиз. Жипслаштирувчи ва бирлаштирувчи куч бўлишга қодир партия, одамларнинг эҳтиёжлари ва орзу-умидларини қаноатлантирадиган, социалистик мақсадлар ва орзу-умидларга эришиш учун меҳнаткашларнинг, ишчилар ва деҳқонларнинг ҳаракатига бошчилик қила оладиган партия тарафдоримиз. Ҳозир фақат тубдан янгиланган партия, мустаҳкам интизомга асосланган кучли партиягина ўзи бошлаган қайта қуришни охиригача етказа олиши мумкинлиги ҳам бизга тобора равшан бўлмоқда.

Структура қурилиши тўғрисида. Биз КПСС умумий ҳаракат режалари ва ягона Уставга, Марказий Комитетга эга бўлган жумҳурият компартияларининг иттифоқи, деб биламиз. Биз КПСС тузилишининг территориал ишлаб чиқариш қоидаси тарафдоримиз, бошланғич партия ташкилотлари ҳуқуқларининг устунлигини таъминлаш тарафдоримиз. Бунда биз фракцияларга бутунлай қаршимиз ва партияда фақат бир тусдаги — марказ оммасининг назорати остида ҳаракат қиладиган ва унинг иродасини ифодалайдиган демократик централизмни тан оламиз.

КПССни янгилаш, партия ички турмушини демократиялаш жараёнида иттифоқдош жумҳуриятлар компартияларининг мустақиллиги тўғрисидаги масала алоҳида аҳамиятга эга бўлади. Очиғини айтамиз, ўртоқлар, жумҳурият Компартиясининг мақоми ҳозиргача вилоят партия комитетининг мақомидан жуда кам фарқ қилади. Биз Ленининг партия тан олган ҳар бир комитет, иттифоқ, ташкилот ёки гуруҳ фақат мазкур жойга, мазкур районга, мазкур миллий ҳаракатга тааллуқли ишларни олиб боради, деган фикрини бутунлай унутиб қўйдик. Эндиликда шу ҳам айниқса муҳимки, ҳозирги кўп партиявийлик шароитида бунингсиз жойларда пухта сиёсатни ўтказиб бўлмайди. Оммани ишонтириш ва ўз орқасидан эргаштириш мумкин бўлмайди.

Ўзбекистон коммунистлари мустақиллик ўз программасини ишлаб чиқишда, ўз ҳаракат тактикасини, кадрларга доир сиёсатини танлаб олишда, ўз бўлинмалари тузилишини, молиявий ва ноширлик ишларини белгилаб олишда, иттифоқдош республикалар ва чет мамлакатлар коммунистик партиялари, жамоат ҳаракатлари билан тўғридан-тўғри ҳамкорлик қилишни ривожлантиришда иттифоқдош республика Компартиясининг тўла мустақиллигини билдиради, деб ҳисоблайдилар. Бунда жумҳурият Компартияси КПССнинг умумий Программаси ва Уставига амал қилиши лозим, албатта. Бу Программа ва Уставда партиянинг стратегик мақсадлари, жамиятни ривожлантиришнинг социалистик йўналишлари принцип жиҳатидан белгилаб қўйилиши лозим.

Иккинчиси. Иқтисодиётдаги оғишлар ва бузилишлар, ижтимоий ва миллатлараро зиддиятлар, ўзаро ишончсизлик, эртанги кунга умидсизлик ҳолати қайта қуриш жараёнларининг қонуний оқибати эмаслиги доклада тўғри таъкидланган. Шу билан бирга Марказий Комитет ва унинг раҳбарияти фаолиятида воқеаларни олдиндан кўра билиш ва уларнинг олдида бориш, биринчи навбатда бажариладиган устун ишларни тўғри белгилаб олиш, белгиланган режаларни амалга оширишда қатъийлик ва изчиллик кўрсатиш маҳорати етишмаяпти — буни тан олиш керак.

Ўзаро миллий муносабатларга алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. Кенгайиб ва чуқурлашиб бораётган миллатлараро қарама-қарши туриш ва тўқнашишлар келтираётган даҳшатларни, вайронагарчиликларни, одамларнинг бошига тушган жуда катта кулфат ва уқубатларни, ўша ўнглаб бўлмайдиган қурбонлар ва маҳрумликларни кўрмай қолмаймиз, кўрмасликка ҳаққимиз ҳам йўқ. Энг хавфлиси шундаки, баъзи жойларда одамлар онгида уйғонаётган, мен яна такрорлайман, баъзи жойларда уйғонаётган миллий мумтозлик ва устунлик туйғуси миллатлар ва элатлар ўртасида юзлаб йиллар давомида вужудга келган бирбирига ҳурмат ва яхши қўшничилик муносабатларини барбод қилиб юбориши мумкин.

Буларнинг ҳаммасига тегишлича баҳо бермасликка умуман йўл қўйиб бўлмайди. Афсуски, КПСС Марказий Комитетининг миллий масалага доир ҳаракат дастури ҳамда сўнгги вақтда қабул қилинган бошқа кўпгина ҳужжатлар миллатлараро муносабатларни барқарор этишга амалда тегишлича таъсир ўтказмаётир. Бизнингча, бундай аҳволдан чиқишнинг бирдан-бир йўли — шошилинч равишда янги иттифоқ шартномасини ишлаб чиқишни бошлаб юборишдан иборат, бу шартномада ҳар бир жумҳуриятнинг суверенитети ва миллий давлат тузилиши, жумҳуриятлар ихтиёрий равишда марказга берадиган ваколатлар қатъий белгилаб қўйилиши лозим. Бунда масалани федерацияни иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан мустаҳкамлашдан энг аввало жумҳуриятларнинг ўзлари манфаатдор бўладиган тарзда қўйиш керак. Барча ўзаро муносабатларимизнинг пойдевори бўладиган бундай ҳужжатни қабул қилишдаги кечикиш шунга олиб борадики, иттифоқ даражасида қабул қилинаётган қонунлар ва қарорларнинг кўпи ишламаяпти ва бундан кейин ҳам ишламайди — буни ҳам тан олиш керак.

Ниҳоят, учинчиси. Ушбу шартнома жумҳуриятлар ўртасидаги, шунингдек жумҳуриятлар билан марказ ўртасидаги янги иқтисодий алоқаларга асос қилиб олинниши лозим. Мамлакатнинг ночор иқтисодий ва молиявий аҳволи, пулнинг тобора қадрсизланиши, истеъмол бозорининг барбод бўлиши — булар жамоа меҳнатининг, ҳар бир иттифоқдош жумҳуриятнинг ҳўжалиги амал қилаётган иттифоқ халқ хўжалиги комплекси ишининг натижаси эканлигини тушуниб турибмиз. Ҳозир улардан ҳар бирининг «улушини» алоҳида ажратиш умуман мумкин эмас. Бунга ҳозир эҳтиёж ҳам бўлмаса керак. Аммо биз эртага, докладда айтилганидек, тенг ҳуқуқли, мустақил жумҳуриятларни бирлаштирувчи янгиланган федерацияда яшар эканмиз, у ҳолда шундай қилишимиз зарурки, токи биз ана шу мустақилликни оғизда эмас, балки амалда ҳис этайлик. Энг муҳими эса, ниҳоят, унитар давлат шароитида вужудга келган муаммоларни ва чигалларни ҳал қиладиган ва ечадиган бўлайлик.

Жуда бой ҳом ашё ресурсларига, ноёб табиат-иқлим шароитига эга бўлган Ўзбекистон жумҳуриятда етиштирилган маҳсулотнинг асосий қисмини ҳом ашё ва ярим тайёр маҳсулот сифатида ташқарига чиқараётганини нима билан изоҳлаш мумкин? Пахта, пилла, қоракўл тери, мева-сабзавот эвазига нима учун жумҳурият бунинг ўрнини қоплайдиган маҳсулотни олмаяпти? Мамлакатнинг пахта мустақиллигини таъминлаган жумҳурият «пахта иши», қатағонлар, оммавий қонунсизликлар майдонига айланиб қолдики, бу одамларнинг миллий қадр-қимматини камситмоқда.

Ленинча миллий сиёсатнинг тараққиёт даражасини тенглаштириш тўғрисидаги бош шиори ҳали ҳам мавжуд экан, у ҳолда нима учун жумҳурият аҳолисининг бешдан бир қисми доимий иш билан таъминланмаган? Нима учун аҳоли жон бошига тўғри келадиган миллий даромад иттифоқдаги ўртача даражадан икки баравар кам, асосий истеъмол моллари ва хизмат билан таъминланиш даражаси эса мамлакатда нима учун энг паст даражада турибди? Меҳнатсевар ва истеъдодли халқ яшаётган жумҳурият қандай қилиб ана шундай аҳволга тушиб қолди?

Биз бу принципиал савол-ларга жавоб топишга мажбурмиз. Халқ эски хатоларни такрорлашни эмас, ҳаракат қилишни кутмоқда, ахир. Халқ баландпарвоз гаплардан, тўхтовсиз баҳслар ва ваъдалардан чарчади. У узоқ келажакда эмас, балки ҳозир муносиб яшаши керак. Бунга унинг ҳақи бор. Бозор муносабатларига ўтиш даврининг барча қийинчиликлари тўғрисида рўй-рост ва очиқ айтиладиган бўлсагина, айниқса аҳоли қашшоқ табақаларининг ижтимоий ҳимояланишига кафолат берилсагина, одамлар буни тушуниб етишлари ва қабул қилишлари мумкин. Бунда айрим жумҳуриятлар ва регионларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳамда бозор иқтисодиётига ўтиш пайтидаги аҳволини ҳисобга олиш жуда муҳимдир. Хуллас, бозор иқтисодиётига одамларни ишонтирганимиздан кейингина, миллий розиликни олганимиздан сўнггина унга ўтиш мумкин.

Ҳурматли ўртоқлар! Съезд эътиборини кеча муҳокама қилинган масалага қаратмоқчиман. Афсуски, биз бу масала юзасидан махсус қарор қабул қилиш зарурлигига съездни ишонтира олмадик. Гап ҳозирги вақтда Ўрта Осиё ва Қозоғистон учун ғоят муҳим роль ўйнаётган ҳаётий муҳим муаммо ҳақида бормоқда. Ўз миқёслари ва оқибатлари жиҳатидан фақат Чернобиль фожиасига қиёслаш мумкин бўлган Орол зонасидаги экология фалокати ҳақида бормоқда. Экология фожиасини тубдан ҳал қилиш тўғрисида жуда кўп гапирилаётган бўлса ҳам ҳозиргача бу муаммонинг туб ечимлари йўқлиги бизни ташвишга солмоқда.

Яна эътиборни қўйидагиларга қаратиш керак. Агар фан ва мутахассислар ҳозирнинг ўзидаёқ ана шундай қарор қабул қилсалар, бу қарор Сибирь дарёлари сувининг бир қисмини Ўрта Осиёга оқизиш ғоясига қайтиш ҳақида бўладими ёки Каспий денгизи сувидан фойдаланиш ҳақида бўладими, ёҳуд бошқа ҳар қандай қарор қабул қилинадими, уларни амалга ошириш учун камида 15—20 йил кетади. Ана шу давр ичида ҳозирдаёқ Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистоннинг 50 миллиондан ортиқ аҳолиси яшаётган ҳудуднинг ҳоли нима кечади? Бир нарса равшан, агар биз қатъий чоралар кўрмасак, ҳозирнинг ўзидаёқ ўз фарзандлари мисолида яқинлашиб келаётган фалокат натижаларини кўриб турган кишилар бизни ҳеч қачон кечирмайдилар. Бунинг учун бизни келгуси авлодлар ҳам кечирмайди.

Бу регионда яшаётган оилаларда табиий нуқсонли болалар, соддароқ қилиб айтганда, ногиронлар туғилаётганлигини нормал ҳол, деб бўладими?

Сўзимнинг охирида биз Ўзбекистонда ҳаммамиз қадрлашимиз лозим бўлган асосий бойлик, съездда айтилаётган барча мақсадларга эришишнинг асосий шарти — мамлакатимизда яшаётган барча халқларнинг бирдамлиги ва ҳамжиҳатлиги эканлигини тушуниб турибмиз ва мен буни яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиман. Бизнинг келажагимиз, фаровонлигимиз ана шу бирдамлик ва ҳамжиҳатликни қандай сақлаб қолишимизга боғлиқдир.

Ниҳоят сўнггиси, ўртоқлар. Биз Ўзбекистон делегациясининг аъзолари кеча алоҳида тўпланиб, съездда муҳокама қилинадиган ва ҳозир муҳокама қилинаётган барча муҳим масалалар юзасидан маслаҳатлашиб олдик. Мен делегациямизнинг фикрини айтмоқчиман: агар биз соғлом кучларни жипслаштиришни, ер куррамизда тинчлик бўлишини хоҳласак (бу ҳаммамизнинг мақсадимиз бўлса керак), агар юз берган вазиятда, такрор айтаман, айни юз берган вазиятда биз партиямизнинг мавқеи мустаҳкамланишини истасак, Бош котиб лавозимига Михаил Сергеевич Горбачевдан бошқа номзодни кўрмаяпмиз. Шу билан бирга Сиёсий бюро ҳам бўлиши керак.

Бизнинг берган баҳоларимиз ва мавқеимиз ана шундай, ўртоқлар. Эътиборингиз учун раҳмат.

ОНА-ВАТАН БЎЙЛАБ

МОСКВА. Совет Иттифоқида янги жамоат уюшмаси — халқаро мулоқот маркази (ХММ) ташкил қилинди. Унинг қароргоҳи Москвада жойлашди. «Энергия» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Электронмаш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Внинефтемаш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Яринвест» бирлашмаси (Ярославль шаҳри), бошқа йирик саноат корхоналари, шунингдек мамлакатдаги баъзи ижодий ташкилотлар унинг ташкилотчилари бўлишди. Уюшманинг мақсади — ташкилотлар ва СССР фуқаролари билан чет мамлакатлар ўртасида ташқи иқтисодий, амалий, маданий ва бошқа алоқаларни ривожлантиришга ҳар томонлама ёрдам беришдан иборатдир.

* * *

БРЯНСК. Вилоят марказига 4 миллион долларлик дори-дармонларнинг катта туркуми олиб келинди. Бу — Чернобиль атом электр станциясидаги авария оқибатида азият чеккан Брянск вилоятининг жануби-ғарбий районлари аҳолисига Американинг «Апжон» фирмасидан туҳфадир.

* * *

ХАРЬКОВ. «ХТЗ» маркали дала агрегатлари сафи янги Т-010 моделидаги кичик ҳажмли шудгорлаш машинаси билан тўлди. Уларни Харьков трактор заводи ишлаб чиқара бошлади. Митти трактор бир корпусли омоч билан ер ҳайдаши, борона ва культивация қилиши, чопиқ қилиши, ўт ўриши, ярим тоннагача вазндаги юк аравасини тортиши мумкин. Унда ўсимликларга дори сепиш ва қор кураш, картошка кавлаш мумкин, ем-ҳашакбоп илдизмевали ўсимликларни майдаласа бўлади. Ундаги махсус ўққа полизни суғоришда фойдаланиладиган насосни, айланма арра ёки чархлаш тошини улаш мумкин.

* * *

НИКОЛАЕВ. «Қора денгиз кемасозлик заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг усталари ўзлари ясаган «Заостровье» совутгичли катта траулерни калининградлик балиқчиларга топширдилар. Овланган балиқ сузувчи балиқ заводи цехларида қайта ишланиб, консервалар ва музлатилган маҳсулотга айлантирилади, чиқиндилардан эса озуқа уни, техник ва тиббий ёғ тайёрланади.

(ТАСС).

ДАСТУРХОНИМ

Ривоят эмасдир сўзлаётганим,
Ҳикоят эмасдир сўзлаётганим,
Азалдан хуш тақдир сўзлаётганим,
Ўзбек йўқотмайди дастурхонини.

Бу хислат қулоққа айтилган азон,
Бу хислат илк эртак — «очил дастурхон»,
Балки беш жон бўлар, балки ўн беш жон,
Ўзбек йўқотмайди дастурхонини.

Наврўз деб аталган айёмдан қувнаб,
Ҳам кундуздан қувнаб, ҳам шомдан қувнаб,
Фузулий, Бедилу Хайёмдан қувнаб,
Ўзбек йўқотмайди дастурхонини.

Халқим — азизликда тенда жонимсан,
Наврўз — лазизликда якто онимсан,
Ғаним ололмаган дастурхонимсан,
Ўзбек йўқотмайди дастурхонини.

Дилмурод ЖАББОР.

СУРХОНДАРЁ. Областда бир йилда бир ярим миллион сўмлик китоб харид қилинаётир. Айниқса, ўзбек тилида чоп этилаётган бадиий адабиётларга қизиқиш тобора ортаётгани қувончли. Рус ва хорижий халқлар классиклари ҳамда замонавий адиблари асарларига бўлган талаблар ҳам кўпаймоқда.

СУРАТДА: Термиз шаҳар китоблар уйининг савдо залларида.

И. ХЎЖАЕВ олган сурат. (ЎзТАГ).

Ошкоралик кўзгусида

АЁЛГА ҚАЛБ ТАФТИ, МУРУВВАТ КЕРАК

Сирдарё узра эсаётган субҳи сабо қишлоқ боғлари, далаларга ўзгача жозиба бахш этади. Шамсиқўлликлар барча қишлоқ кишилари каби одатда барвақт уйғонишади. Авваламбор тирикчилик, қолаверса тонгнинг мусаффо ҳавосидан тўйиб-тўйиб сипқоришга нима етсин. Ҳидоят бундай пайтларда дала йўлларидан кетаётган бўлади. Ҳали 12—13 ёшли қизалоқлик даврларида ҳам онаси Ҳафиза опага эргашиб далага мана шу йўлдан борарди. Лекин тақдир унинг ҳаётини бир умр шу ҳудудсиз далалар билан боғлаб қўйишини хаёлига ҳам келтирмасди. Ўрта мактабни битиргач, бу ерда Тоҳиржон билан учрашди. Камтарона тўй қилишди. Мана энди улар хонадонда тўрт ўғил-қизга бош-қош: Нилуфар, Мирзоҳид, Дилмурод, Музаффар. Ҳидоят учун оламда улардан кўра ортиқ бахт йўқ, шуларни деб яшайди.

4-бригада аъзолари сира чўчимай уни ўзларига раҳбар қилиб сўратишганда тўғриси, ўзини йўқотаёзган эди. «Биз сенга ёрдам берамиз» дейишди улар. Чиндан ҳам шундай қилишди. Планлар йилма йил тўляпти. Энди у партия аъзоси, Наманган қишлоқ хўжалик техникуми агрономия бўлимида сиртдан таҳсил олмоқда.

78 ёшли Саломат хола унинг қайнонаси. Умрини колхозга бахш этган онахонлардан. Кўп йиллик оғир, машаққатли меҳнат аллақачон унинг соғлиғига таъсир этган. Оёқлари ногирон. Лекин унга оёқ-қўл бўлаётган Ҳидоятни дуо қилгани-қилган. Фақат, тиниб-тинчмаслигига жони ачийди.

Мана бугун ҳам Ҳидоят барвақт туриб чой қўйди, ҳовлини супуриб-сидирди, дастурхон тузади. Тоҳиржон тонг саҳарлаб далага кетган. Ўн гектарлик картага ўғит солиниши керак. Ғўза «сув», «сув» деяпти.

— Қизим, бугун — якшанба, бундоқ жонингга ачинсангчи, дам олгин, — деди Саломат хола Ҳидоятнинг ишга отланаётганини кўриб. — Ишларинг ҳам бир томонга енгил тортиб қолгандир.

Ҳидоят қайнонасининг бу гапидан бошқача маъно ҳам уқиди. Ахир хонадонга келин бўлиб тушиб, унга тузукроқ хизмат ҳам қилолмади. Дала унинг бутун умрини оиладан ажратиб қўяяпти. Яхшиямки, Нилуфар бор, унинг ёнига кириб қолди. Бувисига қарайди, рўзғордаги ишларни саранжомлаб туради.

Ҳидоят секин келиб сўрига, қайнонаси ёнига ўтирди. Аёлнинг кўзларида гина, миннат аломатларини кўрмади. Меҳрибонлик, ачиниш шундоқ сезилиб турибди. Ҳидоятнинг меҳри товланди. Қайнонасининг елкасини силади.

— Уч-тўрт кунлик ишимиз қолди. Кейин хотиржам дам олсак бўлади, — деди.

— Майли ишқилиб уриниб қолмаган, дейман-да, болам. Ахир қиш бўйи ҳам тинним билмадинг.

Ҳидоят ўтган йили кузакда, йиғим-терим охирлаётган паллада правление олдига Сирдарё соҳилига туташ карталарни текислаш масаласини қўйган эди. Саксон етти гектар пахта ерининг ярмидан кўпи кичик карталардан иборат, бунинг устига паст-баланд, бир пайкални уч-тўрт томондан суғоришга тўғри келади. Механизатор Имомали Холиқов, Раҳматулла Холмирзаев, сувчи Абдулла Бобоев, Набивой Дадамирзаев, Салоҳиддин Камоловлар Ҳидоятга бу ҳақда ёз ўрталарида огоҳлантиришган эди. Улар ўз ишининг чинакам усталари. Лекин ишлов, суғориш даврида қийналишади. Ҳидоят шунинг учун ҳам кузда бригадага бульдозер, прицепли трактор, «Белорусь» ажратилмагунча идорадан келмади. Қиши билан далада иш тинмади. Пайкаллар йириклаштирилди, далага ўғит чиқарилди, ариқ-зовур қазилди.

Биз Охунбобоев номли колхоз правление раиси Олимжон Сотиболдиев билан Ҳидоят Холбоева бошлиқ бригадага етиб келганимизда эрталаб ўн бирлар чамаси эди. Қуёш забтига олмоқда. Ҳарорат баландлигидан далалар узра сароб жимирлайди... Ҳидоят мотоциклнинг аравасига ўтирган ҳолда тор дала йўлидан чиқиб кетди. Иссиқдан оқ сариқ юзи бўғриқиб кетган эди.

— Ўлмаган пахтакорларнинг жони, — деди бизни мажнунтол тагига ўрнатилган салқин сўрига таклиф этаркан. — Ҳозирдан нафасни бўғаман дейди-я. Уларга кечки салқингача дам бермасак бўлмас. Бу аҳволда офтоб уриб кетиши ҳеч гапмас.

У гапиряпти-ю мен далалар бағрида эгатлар узра эгилиб салкам қирқ даража қуёш тиғида ишлаётган аёллардан кўз узолмасдим. Бундан беш-олти йил аввал бундай гапларни айтиш мумкин эмасди. У даврларда ҳамма нарса пахтага қурбон қилинарди. Ҳидоят гапиряпти-ю юрагининг тубида қандайдир армонли, дардли, тугёнли гаплар ётганлигини сезиб турардим. Шунда унинг бригадасига келаётганда раис билан бўлган суҳбатни эсладим.

— Наманган райони коммунистлари ўз конференцияларида Ҳидоятни область партия конференциясига делегат этиб сайлашибди. Бунда улар Ҳидоятнинг қайси хислатларини ҳисобга олишган?

Илгари шундай саволларга албатта «ишлаб чиқариш илғори, жамоатчи, планни доимо ошириб бажаради» деган аввалдан тайёрлаб қўйилган бир қолипдаги жавобларни олардик. Лекин бу гал ундай бўлмади.

— Муҳими у ҳамма масалада ўзининг дадил, мустақил фикрига эга, — деди раис. — Қонида лаганбардорлик йўқ. Ҳақиқатни гапиради. Халқнинг дилида нима дард борлигини билади ва бу ҳақда ҳамма жойда қўрқмай сўзлайди.

Пахтакор меҳнатини қадрлаш ҳақида минбарда чиройли гаплар айтиляпти. Лекин булар кимга керак. Қаранг, аёллар шундай жазирамада 15 сотих ерда ягана қилса, 3 сўм 37 тийин пул олади. Чопиқ нормаси йигирма сотих — бунга 3 сўм 67 тийин тўланади . Уни бажариш осонмас. Буни ким, қандай шароитга мўлжаллаб ишлаб чиққан билмайміз. Мамлакатнинг шимолий зоналарида совуқ юқори даражага етганда одамларга қўшимча ҳақ тўлашади. Хўш, буни бизнинг шароитда нима учун қўллаш мумкин эмас.

— Юракда гаплар кўп, — оғир хўрсинди Ҳидоят. — Биринчи навбатда қишлоқ иқтисодиётини кўтаришга хизмат қилувчи ҳамма механизмларни ҳаракатга келтирмоқ зарур, деб ҳисоблайман. Пахта харид нархини зоналар бўйича белгилашда чинакам адолат ўрнатилмоғи керак. Ҳозир аҳвол қандай денг? Пахта етиштиришда меҳнат, маблағ, бошқа сарф-харажатлар турлича. Масалан, бизнинг бригада 29 центнерлик пахта етиштириш учун не қўйга тушмайди, дейсиз. Колхознинг юқори зонасидаги соз тупроқли, оқ ерда деҳқончилик қиладиган бригадаларда қулай шароитда биздан кўра кўпроқ пахта олишади. Зоналар бўйича белгиланадиган харид нархи эса ҳаммамизга бир хил.

Аччиқ бўлса ҳам бир нарсани тан олишимиз керак, қишлоқ аёллари турмуши, моддий-маънавий эҳтиёжлари ҳақида жон куйдирадиган чинакам мард ҳозирча отилиб чиққани йўқ. Лекин жарангдор, чиройли гапларни ҳар қадамда эшитиб турибмиз. Менимча, биринчи навбатда боғча-яслиларни кўпайтириш керак. Тўғри, ҳозир қишлоқда 140 ўринли ясли биноси қад кўтаряпти. Лекин бу бизнинг шароитда урвоқ ҳам бўлмайди. Боғчаясли йўқлиги учун бригадамиздан Комила Даминова, Жамила Йўлдошева, Омина Фозилова каби оналар иккиуч нафардан боласини далага етаклаб келишга мажбур бўлишяпти. 18 нафар аёл эмизикли. Улар қирқ даража қуёш тиғида ишлаб, терлаб келиб мурғак фарзандларига кўкрак тутишлари керак. Колхозимиз — миллионер. Нима учун йирик болалар комбинатлари қуриш мумкин эмас?

Бугун эшитиб қолдим, колхоз марказида қишлоқ Совети янги биносининг очилиш маросими бўларкан, соат ўн иккига таклиф этилганмиш. Оналар ўз фарзандларини шундай оғир шароитда тарбиялашаётган, боғча-ясли етишмаётган бир шароитда қишлоқ Совети учун ҳашаматли бино зарурмиди? Ҳа, кейинги пайтларда районимизда маъмурий binolar қуришга зўр беришяпти. Яқинда Шўрқишлоққа бир иш билан ўтган эдим, Оржоникидзе номли колхоз правлениесига ажойиб ҳашаматли бино қуришганига кўзим тушди. Бу ердаги оналарнинг муаммолари бизникидан камми? Қайси куни участка касалхонасига бордим. Аҳвол чатоқ. Бош врач Одилжон Набиевнинг айтишича, колхозларга 65 фоиз аёл камқонлик касалига учраган. Шунинг учун бўлса керак биринчи кварталда туғилган 100 бола ҳисобига вафот қилгани 40 тага тўғри келди. Давлатга, колхозга хизмати синган одамлар чинакам ғамхўрлик кўрсатишмаяпти. 37 йил бригадирлик қилиб оёқ-қўл оғриғига учраган Маъруфжон Мадраҳимов микрорайондаги шифобахш сувга йўлланма тополмай сарсон бўлиши керак ми? Қадриятлар ҳақида ўйламай қўйдик.

— Соат ҳам ўн иккига яқинлашяпти, — мурожаат қилди у раисга, — Қишлоқ Совети биноси очилиш маросимига боришимиз керак. Лекин йўл-йўлакай кириб чиқадиган бир-иккита жойлар ҳам йўқ эмас. Яқинда эшитиб қолдим, ҳозир жумҳуриятимизда ёлғиз яшовчи қари ота-оналар кўп экан. Бундайлар бизда ҳам анчагина. Дастлаб Зуҳрахон ая Қўрчиева уйига борсак, — таклиф қилди у.

Қишлоқнинг тор, эгри-бугри кўчаларидан юриб Зуҳра ая хонадонига бордик. Йиллар сурони, оғир меҳнат излари кўриниб турган, қатқат ажин юзли, қадоқ қўллари ғадир-будир бу она ҳозир ташландиқ ҳовлида якка ўзи истиқомат қилади. У бизга бутун умри меҳнат билан ўтганини кўзларида алам ёшлари билан гапириб берди. Тўғри, ҳозир юз сўм пенсия оляпти. Лекин бу унинг ёлғиз, зерикарли ҳаётини сал бўлса-да безашга хизмат қилмайди. Унга одамлар эътибори, қарови, муҳими қалб тафти зарур. У сал ёғингарчилик ҳам илма-тешик томдан уй ичига ўтишини айтганда раис ноқулай аҳволга тушди.

Очиғи, колхоз ҳам қараб тургани йўқ, албатта. Кўп болали қаҳрамон оналар, боқувчисини йўқотган ва ночор одамларга моддий ёрдам кўрсатяпти. 420 хўжалик юз йигирма гектар ер олди. Одамларга 150 минг сўм атрофида ссуда берилди. Қишлоқларни газ, водопроводлаштириш ҳам силжиб қолди. Лекин булар ҳозирги тараққиёт, талаб бўйича денгиздан томчи. Шундай эмасми?!

Колхоз идорасидан сал наридаги 125-уйда иккинчи гуруҳ ногирони Тожихон ая Эгамқулова яшайди. Бугун Ҳидоят бу хонадонга қишлоқ Советининг депутати сифатида кириб келди. Биз ҳам унга ҳамроҳлик қилдик. Йўлда эса Тожихон аянинг оғир, мураккаб турмуш тарзи ҳақида гапириб берган эди. Чиндан ҳам айтганича бор экан.

Тожихон аянинг уйидан чиққандан кейин Ҳидоятга разм солдим, у ғамгин бўлиб қолган эди. Бу тушунарли. Унинг қалбини ҳаётнинг ўзига хос ечилмас жумбоқлари, инсонлар ўртасидаги оддий эътибор, оқибат ва мурувватнинг кўтарилиб бораётгани изтиробга солмоқда эди.

Шўрқўрғондан қайтаётганда Ҳидоят ҳақида, унинг содда, меҳнаткаш дугоналари, ҳамқишлоқлари тўғрисида чуқур ўйга толдим. Булар ўша 1916 йилда мардикорликка қарши қўзғолонга кўтарилган ва Ўзбекистон тарихидан Шўрқўрғон қўзғолони деб ном олган жасоратли, марди майдон отаболаларнинг набиралари. Улар ўз масканларини яшнатиш, равнақ топдиришдек ширин орзу-ниятлар билан яшамоқдалар. Ҳидоят эса туғёнли қалби, истиқболга ёниқ орзулари билан халқнинг қудратли оқимига бир ирмоқ бўлиб қўшилганлардан.

И. ЭГАМБЕРДИЕВ.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

ИТАЛИЯ '90

ИККИ ДАЪВОГАР

Жаҳон биринчилигида ярим финал учрашуви ўтказилди. Италия ва Аргентина терма командалари майдонга тушдилар. Аввало бу мамлакатларнинг футболчилари дунё биринчилигининг олтин медалларини бир неча бор (Италия уч, Аргентина икки марта) қўлга киритганликларини таъкидлаш лозим. Иккала томон ҳам ҳал қилувчи учрашувларни қандай ўтказиш тажрибасига эга. Аммо Италия футболчилари бу сафарги мусобақаларда ҳужумкор ўйин кўрсатаяптилар. Улар ярим финалгача ўзгалар дарвозасини етти бор ишғол этиб, ҳали бирор марта тўп ўтказиб юбормадилар. Сўнгги жаҳон биринчилигининг ғолиблари — Аргентина чипор тўп усталари эса, бунинг аксича, ҳали ишқибозларни мамнун этадиган даражада ўйин кўрсатганлари йўқ. Бунинг боиси бор, албатта. Мазкур мамлакатнинг энг яхши футболчилари хорижий клублар, чунончи Италия командалари шарафини ҳимоя қиладилар. Ҳозир Европанинг деярли барча мамлакатларида мавсум ниҳоясига етди. Шу боис футболчиларнинг кўпчилиги жаҳон биринчилигига чарчаган ҳолда келдилар. Мутахассислар Аргентина терма командасининг чемпионга хос ўйин кўрсата олмаётганига сабаб шунда, деб шарҳламоқдалар. Аргентиналиклар устози Карлос Билардонинг фикри ҳам ана шундай. У командаси олтин медалларга асосий даъвогар деб ҳисобланган бразилиялик чипор тўп усталари устидан ғалаба қозонганидан сўнгги анъанавий мусоҳабада шогирдлари аста-секин ўз ўйинларини топаётганликларини таъкидлаганди. Куни кеча Италия терма командаси билан бўлиб ўтган ярим финал учрашуви таниқли футбол мутахассисининг бу фикри қанчалар тўғри эканлигини исботлади.

Матч қизиқарли ўтиши кутилганди. Минбарларга тўпланган ишқибозлар қўлларига: «Марадона, сени севамиз, аммо Италия — юрагимиз!», «Италиянинг юраги — Марадона, Италия эса Марадонанинг юраги!» деб ёзилган шиорларни тутгандилар. Бу бежиз эмас. Уни Италиянинг Неаполь шаҳрида айниқса севадилар. Чунки у мана бир неча йилдирки, маҳаллий «Наполи» клуби сафида ўйнамоқда. Мазкур команда кейинги йилларда икки марта мамлакат чемпиони бўлган экан, бунда Марадонанинг ҳиссаси катта. Афсуски, бу моҳир футболчи жаҳон биринчилигида яхши ўйнай олмаяпти. Бунинг сабаби бор, албатта. Аргентина терма командасининг устози Карлос Билардонинг фикрича, Марадона бир оёқда ўйнамоқда. Унинг иккинчи оёғи Италия биринчилигида жароҳатланган. Шу боис у ўзини ааяпти.

Аммо Италия терма командаси билан бўлган ярим финал учрашувида ҳам Диего аввалгидек шерикларини тўп билан ўз вақтида таъминлаб турди. Энг муҳими, у узатган тўплар қулай. Устига устак ажойиб футболчи тўпни қачон, қаерга, қай тарзда узатишни билади. Бу сафар ҳам иккинчи бўлимда Канижиага тўпни шундай ташлаб бердики, бу ҳаммани ҳайратга солди. Кейинги футболчи тўпга бошини қўйиши билан у йўналишини ўзгартириб, дарвоза бурчагига бориб тушди. Шу лаҳзага қадар Италия терма командаси 1:0 ҳисобида олдинда бораётганди.

Яна майдонда кураш қизиди. Гоҳ у, гоҳ бу команда дарвозаси олдида хавфли вазиятлар содир бўлди. Футболчилар баъзан бундай ҳолларни куч ишлатиш йўли билангина бартараф этишга мажбур бўлдилар. Айниқса Аргентина ўйинчилари қўпол ўйнадилар. Шу боис учрашув ниҳоятда чўзилиб кетди. Масалан, қўшимча вақтнинг биринчи бўлими одатдагидек 15 дақиқа эмас, балки бундан анча кўп — 25 дақиқадан ортиқроқ давом этди.

Охири асосий вақтда ҳам, қўшимча муддатда ҳам командаларнинг бирортаси ҳисобни ўзгартира олмади. Навбат, ўн бир метрли тўпларни тепишга келди. Аргентина футболчиларининг нимчорак баҳсида бу борада омадлари келганди. Мазкур учрашувда ҳам уларга бахт кулиб боқди. Лотин Америкаси вакиллари ўн бир метрли тўпларни бехато амалга оширдилар. Майдон эгалари эса уларни тепишда хатога йўл қўйишди. Натижада Аргентина терма командаси финалга биринчи бўлиб йўлланма олди.

Финал учрашувининг иккинчи қатнашчиси ГФР — Англия баҳсида аниқланди. Аввало иккала команда ҳам бой анъанага эга эканлигини, илгари жаҳон биринчиликларининг ғолиблари (ГФР икки марта, Англия бир бор) бўлганликларини, улар юксак унвонга муносибликларини таъкидлаш лозим. Учрашув бу нечоғли тўғрилигини исботлади. Иккала томон ҳам ажойиб ўйин кўрсатди. Улар уюштирган ҳар бир ҳужум ишқибозларни ҳаяжонга солди. Учрашув дақиқа ўтган сари кескин тус олди. Гоҳ у, гоҳ бу дарвоза муттасил равишда таҳлика остида қолди. Афсуски, футболчилар қулай вазиятлардан фойдалана олмадилар. Дарвозабонлар хавфли ҳолларни муваффақиятли бартараф этишди. Улар учрашувнинг иккинчи бўлимида фақат икки бор ожиз қолдилар, холос. Дастлаб шеригининг ўрнига майдонга тушган немис футболчиси Бреме ўзига узатилган тўпни дарвоза тўрига бехато тушириб, ГФР терма командасини олдинга олиб чиқди.

Шундан кейин Англия футболчилари ташаббусни қўлга олдилар. Улар рақибларини жарима майдончаларига қисиб қўйишди ва такрор-такрор ҳужум уюштиришди. Ана шундай дамлардан бирида Англия терма командасининг моҳир ҳужумчиси Линекер ҳисобни тенглаштиришга муваффақ бўлди — 1:1.

Бу ҳисоб қўшимча берилган 30 дақиқа мобайнида ҳам ўзгармади. Натижада учрашув ҳаками дарвозаларга беш мартадан ўн бир метрли тўплар тепишни белгиладi. Бу баҳсда немис футболчиларининг омади келди. Улар ўн бир метрли тўпларни рақибларига қараганда яхши бажардилар. Бу ГФР терма командасининг финалга чиқишини таъминлади.

Шундай қилиб, олтин медаллар учун ҳал қилувчи учрашувнинг икки иштирокчиси маълум бўлди. Булар Аргентина ва ГФР терма командаларидир. Бошқача айтганда, бундан тўрт йил муқаддам Мексикада бўлиб ўтган жаҳон биринчилигининг финал матчида содир бўлган ҳолат яна такрорланди. Ўшанда ҳал қилувчи учрашув айни шу командалар ўртасида ўтказилган, унда Аргентина футболчиларининг омади келиб, жаҳон чемпиони бўлгандилар. Бу сафар бахт қайси командага кулиб боқаркин? Бу саволга 8 июль куни бўлиб ўтадиган финал учрашуви жавоб беради.

Т. СОЛИЕВ.
Ф. ИСАЕВ.

МАОРИФЧИЛАР ҒОЛИБ

Зомин районида спорт мусобақалари оммавий тус олмоқда. Айниқса футбол, волейбол, қўл тўпи бўйича беллашувларда ёшлар фаол иштирок этмоқдалар.

Яқинда район марказидаги спорт майдони гавжум бўлди. Бу ерда ўтказилган қишлоқ ёшлари спартакиадасида ташкилотлар, муассасалар ва совхозларнинг командалари футбол, волейбол, шахмат, тош кўтариш, енгил атлетика, қўл тўпи бўйича мусобақалашдилар.

Баҳслар якунида 85 очко жамғарган халқ таълими бўлими спортчилари спартакиада чемпиони бўлдилар. Ички ишлар бўлими вакиллари иккинчи, 26-автомобиль транспорти корхонаси командаси учинчи ўринларни эгаллашди.

Ғолиблар район спорт комитети ҳамда касаба уюшмалари кўнгилли спорт жамиятининг фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

И. ЮНУСОВ,
З. ҲАҚБЕРДИЕВА.

МУСОБАҚА ВА НАТИЖА

СУЗИШ

Москвадаги «Олимпийский» сув ҳавзасида мамлакат биринчилиги давом этяпти. Аёллар ўртасида 50 метрга эркин усулда сузишда олмаоталик Е. Ермакова марра чизиғига биринчи бўлиб етиб келиб, олтин медални қўлга киритди. Кейинги совринди ўринлар челябинсклик И. Толкунова ва харьковлик И. Гапонга тегди. 800 метрга мазкур усулда сузишда кировлик И. Трофилова зафар қучди. Республикамиз вакили — тошкентлик Е. Бендер кумуш медаль билан тақдирланди.

50 метрга эркаклар ўртасида эркин усулда сузишда ленинградлик В. Предкин ғолиб чиқди. Киевлик В. Ткаченко ва донецклик Ю. Власов иккинчи, учинчи ўринларни эгаллашди. 400 метрга комплекс усулда сузишда (аёллар ўртасида) челябинсклик Я. Шмарова марра чизигида биринчи бўлди. Олмаоталик Е. Ермакова 100 метрга эркин усулда сузишда ҳам ўзини кўрсатиб, ҳурмат шоҳсупасининг юқори поғонасига кўтарилди.

ЧИМ ХОККЕЙИ

Олий лига иштирокчилари бўлган эркаклар командалари Свердловск туридаги учрашувларни якунладилар. «Звезда» командаси охирги уч учрашувда икки очко билан кифояланди. Андижонликлар маҳаллий АСК клубига 0:4, сўнгра Олмаота динамочиларига 0:2 ҳисобида ютқаздилар. Самарқанднинг «Спартак» коллективи билан бўлган матчда 7:0 ҳисобида ғолиб чиқдилар.

Ўйинлар жадвали

	У	О
АСК	22	32
«Динамо»	22	32
«Фили»	22	31
«Раздан»	22	23
«Луч»	21	22
«Искра»	22	22
«Звезда»	20	21
«Волга»	22	21
«Университет»	21	20
«Волна»	22	16
«Азинфетехим»	22	15
«Спартак»	22	5

ШАХМАТ

Американинг Филадельфия шаҳрида ўтказилаётган мусобақанинг олти тури ортда қолди. Ҳозирча 5,5 тадан очко тўплаган собиқ СССР чемпиони В. Цешковский ва американлик гроссмейстер У. Браун пешқадамлик қилишаяпти. Уч совет шахматчиси — И. Глек, И. Смирнов, В. Маланюк, шунингдек швециялик Ф. Хеллерс, американлик А. Ермолинский ҳисобида бештадан очко бор.

ГИМНАСТИКА

Горький шаҳрида мамлакат биринчилиги бўлиб ўтди. Унда А. Зарипова, Т. Маликова, Е. Жукова, Л. Валевич, О. Абдураҳимова ва Л. Книшовадан ташкил топган Ўзбекистон терма командаси кучли олтиликдан ўрин эгаллади. Украиналиклар бош совринни қўлга киритдилар. РСФСР ва Москва гимнастикачилари иккинчи, учинчи ўринни эгаллашди.

МУСИЧА ОМОН ҚОЛДИ

ҲОДИСА

— Болам жуда савоб иш қилибди. Йўлда ётган тошни ўтганлар қоқилиб йиқилмасин деб четга суриб қўйган киши ҳам хайрли иш қилган бўлади. Беозор паррандани эса йиртқич чангалидан қутқариш — савобларнинг савоби. Одамлар қушлар ҳимоячиларидир. Шу боис улар ўзларини бизга яқин олишади. Кам бўлма, болам!

Онам неварасі, етуклик васиқасини олиш арафасида турган мактаб ўқувчиси, ўғлим Зафарни қайта-қайта дуо қиларди.

...Дам олиш куни эди. Ишни шанбадан бошлаб қўяйлик деб уч киши — мен, укам ва ўғлим билан экин экиш учун пушта олмоқда эдик. Атрофимизда мусичалар ку-кулашиб юришар, ҳавонинг ҳовоғи солиқ эди. Ногаҳон қушчаларнинг безовталанишаётганини кўрдик. Улар ку-кулашдан тиниб қолдилар. Шу пайт қўшни томондан ҳавода қанотларини кенг ёйган қарчиғай пайдо бўлди. У оёқларида мусичани маҳкам қисиб олганди. Мағрур учиб, бизнинг текис, эқилмаган еримизга қўнмоқчи бўлди. Бироқ биздан қўрқиб, ўзини сўл томондаги қўшнимиз дарахтлари орасига урди. Осмонда учиб бораётган йиртқич панжаларидаги мусича қанотларини кўксига жуфтлаб олган, официант қўлидаги ликопчадаги қовурмага ўхшаб кўринарди.

Биз югуриб бориб, девор оша қарагандик, ушбу манзарани кўрдик. Қарчиғай эпчил оёқлари билан қанотларини жуфтлашга ҳаракат қилаётган ўлжасини тепкилаб, ўзига қаратишга уринарди. У нима учун дарров мусичани ўлдириб қўймаганига ҳайрон бўлдик.

— Дада, қарчиғай парранда қонини тириклайин сўради-ку, ахир, — деди ўғлим.

— Мусича ҳали тирик экан, қани Зафар, қутқар уни.

У зарб билан отган кесак қарчиғайнинг нақ белига тегди. У ўлжасини олиб ўтмоқчи бўлди. Аммо қанотлари дарахтларга тегиб, бир ёқдан Зафарнинг ҳай-ҳайлашидан қўрқиб, мусичани панжаларидан чиқариб юборди.

Омон қолганига ишонқирамай бир пас қалтирай турган мусича жонҳолатда осмонга парвоз қилди. Йиртқич чангалидан озод бўлган қушча худди ўз уруғларига мансуб каптарлардек қанот қоқиб, баланд кўтарилди. Ўлжасини нақ оғзидан олдириб қўйган йиртқич эса иккинчи тарафга кетди.

Ҳодисани зўр бериб муҳокама қилаётганимизда яна мусичалар ку-куси кела бошлади. Бу safar уларнинг қўшиғи бир мунча жарангли эди.

— Ана, сенга миннатдорлик билдиришаяпти, — деди укам Зафарга.

Бир муддат ўтгач, ҳаво очилиб кетди. Биз мамнунлик билан ишга уннадик...

Баҳорда қишлоғимиз жуда чиройли бўлади. У энг сўлим гўшалардан. Бу йил қушлар нима учундир ўтган йилларгидан кўпроқ. Кейинги йилларда кам кўринадиган лайлакларнинг қайтиб келиши айниқса қувончли эди.

М. МУҲСИНОВ.

ИСМИ ЖИСМИГА МОНАНД

Мени кўпдан бери бир савол қизиқтирарди: районимиз нега Комсомолобод деб аталади? Бунинг сабабини яқинда билдим. Дугонамникига меҳмонга борган эдим. Эски фотоальбомларни варақлашиб қолдик. Ғалати бир суратга кўзимиз тушди. Унда қип-қизил чўл, қум барханлари ва саксовуллар тасвирланган эди. «Қизиқ, бу нима экан?» сўрадим дугонамдан.

— Бу нарсами? Ҳозирги районимизнинг йигирма йил аввалги ўрни, — жавоб қилди дугонамнинг дадаси: — Ҳа, ишонш ҳам қийин.

Мен ана шундан кейин районимиз тарихини муфассал билиб олдим. 1973 йилда Марказий Фарғона чўлларида барпо этилган экан. Аввал бошда бу ерларда фақат бир нечта вагон уйлар бўлган, холос. Кейин эса пахтазорлар, боғ-роғлар пайдо бўлди. Ҳозир Комсомолобод Ватанга бир йилда бир неча ўн минг тонна оқ олтин, дон ва чорва маҳсулотлари етказиб беради. Бу ерда Ҳафиз Полвонов, Мирзакарим Мирқаюмов каби Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари ишлашади. Таниқли пахтакор ва қурувчилардан Саддинисо Тўхтасинова, Соттибой Шокиров ҳамда Виктор Богатирёвлар эса районимизнинг эмас, бутун вилоятимизнинг фахри.

— Районни ташкил этишда ёшлар жонбозлик кўрсатиб ишлаганлар, чунки улар комсомоллар эди, — деди дугонамнинг дадаси. — Шу сабабдан ҳам районимизнинг номини Комсомолобод деб қўйганмиз.

Ростини айтсам, бу сўзлардан сўнг менинг ўзим ҳам комсомол аъзоси эканлигимдан фахрланиб кетдим.

Ҳозир Комсомолобод Андижон областининг энг сўлим, чиройли, хушманзара районларидан бири. Биз, ўнинчи синфни битирган йигит-қизлар эса мустақил ҳаёт йўлини танлаяпмиз. Мен, масалан, журналист бўлмоқчиман. Чўлқуварларнинг ажойиб меҳнат ютуқларини мадҳ этиш — орзу-истагим.

М. ПАРПИЕВА.

Муҳаррир ўринбосари Н. ЕҚУБОВ.

Р. — 04666. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. Д. 1220.